

# Миллий бирлик - тинч-тотувлик ва фаровонлик омили



# ХАЛҚ ОВОЗИ




Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри
№ 25 (20029) 2017 йил 22 июн.
Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА

***19 июн куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Осиё Тараққиёт Банки Директорлар кенгаши делегациясини қабул қилди.***



Учрашувда Тожикистон ва Осиё Тараққиёт Банкининг молиявий ҳамкорлиги бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Давлат бошлиғи Тожикистон Республикаси ва Осиё Тараққиёт банкининг сўнгги 20 йилдаги ҳамкорликларидан қониқиш билдирар экан, ушбу даврда мазкур банк томонидан Тожикистоннинг турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларини 1,5 миллиард Америка доллари ҳажмида молиялаштиргани, Осиё Тараққиёт Банки мамлакат тараққиётида йирик шериклардан бирига айланганини қайд қилди.

Тожикистоннинг Осиё Тараққиёт Банки билан энергетика, транспорт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бериш соҳаларидаги ҳамкорликларини суҳбатдошлар келгусидаги интеграция жараёнида истиқболли йўналишлардан, дея зикр этишиб, икки томонлама алоқаларни яхшилаш учун фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишни муҳим, дея ҳисоблашди.

Минтақавий савдони ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган транспорт инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, Ваҳдат-Рашт-Қирғизистон чегараси (Ваҳдат-Қарамиқ) автомобил йўли Оби Гарм-Роғун-янги Нуробод йўли участкаси биринчи босқичи реконструкцияси, Норак гидроэлектростанцияси реконструкцияси лойиҳаси, Тожикистоннинг электр энергияси ишлаб чиқариш ва экспорт потенциалини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликларни кенгайтириш, минтақа ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга бўлган бошқа энергетик лойиҳаларини амалга татбиқ этишда ҳамкорлик қилиш, Тожикистон турли минтақаларида табиий офатлар салбий оқибатларини бартараф этиш учун қўшимча маблағларни жалб этиш, Тожикистон Республикаси эҳтиёж сезаётган бюджет моддий барқарорлиги ва мувозанати билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш иккала томон учун ҳам ҳамкорликлар янги ва фойдали йўналиши сифатида зикр этилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама мақсадларни амалга татбиқ этишда муваффақиятга эришилиб, Тожикистон ва Осиё Тараққиёт Банки муносабатлари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирилди.

*«Ховар» ТМАА.*

## Байрам дастурлари давом этмоқда

Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи ташаббуси билан Ёшлар йили ва Миллий бирлик кунига бағишланган дастурлар режаси доирасида дам олиш кун-



лари пойтахтнинг маданий-истироҳат боғлари, жумладан, Хайём номли маданий-истироҳат боғи, Рўдакий, Амфитеатр давлат муассасалари, "Эрам", "Миллий нишон", "Миллий байроқ" ва "Халқлар дўстлиги" боғларида маданий-маиший дастурлар ўтказилмоқда.

Душанбе шаҳри раиси аппарати ахборот ва хорижий алоқалар бошқармасидан хабар беришларича, Душанбе шаҳри маданият бошқармаси бошқа тегишли органлар билан ҳамкорликда маданий дастурларни юқори даражада ташкил этишга вазифадор қилинган.

Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи пойтахт аҳолиси ва меҳмонларини дам олиш кунларини хуш кайфиятда ўтказиш учун маданий дастурлар ўтказиладиган жойга ташриф буюришга чорлайди.

## Мамлакатимиздаги энг катта аквапарк



Душанбе шаҳрида Миллий бирликнинг 20 йиллиги муносабати билан Тожикистондаги энг катта "Обшорон" аквапарки очилди.

Мазкур иншоот Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали томонидан фойдаланишга топширилди. Аквапарк қурилиши 2016 йилнинг феврал ойида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириқлари доирасида бошланган бўлиб, бугунги кунда у фуқаролар ҳордиқ чиқаришлари учун энг яхши мажмуа ҳисобланади. Сув парки қарийб 20 минг квадрат метр майдонни эгаллаб, унинг ҳудудида болалар ва катталарга мўлжалланган 14та ноёб сув аттракционлари, сунъий фавволаларга эга бўлган 7та ландшафт ҳовузи, ўйин майдончаси ва бошқа маиший ускуналар мавжуд.

Бу ерда, шунингдек, умумовқатланиш хизмати, тиббий ёрдам кўрсатиш, кийим алмаштириш кабинетлари, душхона ва ҳожатхоналар ҳам қурилган.

Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали мажмуа очилиши чоғида хизмат кўрсатиш шароити билан танишиб, аквапарк хизмат кўрсатиш ходимларига аниқ топшириғу кўрсатмалар берди.

Таъкидлаш жоизки, аквапарк 100дан зиёд кишини мавсумий иш ва яхши маош билан таъминлади.

## Бош вазир ўринбосарининг ташрифи

20 июн куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Улуғбек Рўзиқулов бошчилигидаги делегация Душанбе шаҳрига икки кунлик ташриф билан келди. Меҳмонларни Душанбе Халқаро аэропортида мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги намояндалари кутиб олишди.



Улуғбек Рўзиқулов Тожикистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари Давлатали Саид ҳамда Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали билан учрашиши кутилмоқда. Учрашувда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилади.

Шунингдек, Душанбе шаҳрида икки мамлакат иш доиралари иштирокида бизнес-форум ўтказилади. Улуғбек Рўзиқулов ўз ташрифи чоғида Тожикистон Миллий музейи ва "Кохи Наврўз" мажмуаси ҳамда "Ўзавтосаноат" автомобил савдоси маркази қурилишини бориб кўриши режалаштирилган.




## Ўзбекистон билан шартнома имзоланди

18 июн куни Хўжандда ниҳоясига етган "Суғд-2017" халқаро иқтисодий кўргазма-савдоси чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон томонлари 2,5 миллион Америка доллари ҳажмидаги 73та келишувга эришди.

Тожикистон Республикаси Савдо-саноат палатаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, томонлар шунингдек, Тожикистонда Ўзбекистон Савдо уйини очиш



ҳамда сентябр ойи Тошкентда Тожикистон миллий кўргазмасини ташкил этиш борасида келишиб олишди.

Кўргазма-савдо ишида Тожикистоннинг турли минтақаларидан 200дан зиёд тадбиркор, 10 мамлакатдан тижоратчилар, 23та халқаро ташкилот намояндалари иштирок этишди.

## «Душанбе-Остона» поезди Қозоғистон пойтахтида

Душанбе-Остона йўналиши бўйлаб ҳаракат қилган биринчи йўловчи поезди 19 июн куни Қозоғистон пойтахтига етиб борди.

Тожикистон Республикаси Транспорт вазирлиги Темир йўллар бошқармаси бошлиғи Суҳроб Соҳибназаровнинг маълум қилишича, поезд Душанбедан 15 июн куни жўнаб кетган ва 19 июн куни тунда Қозоғистонга етиб борган. Мазкур маршрут ҳафтасига бир марта амалга оширилиб, фақат уч ой - "EXPO-2017" халқаро махсус кўргазмаси ўтказилаётган 10 июндан 10 сентябргача давом этади.

"Йўловчилар ташиш" унитар корхонасидан маълум қилишларича, аввал икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри темир йўл ҳаракати йўлга қўйилмаганди. Бу қарорга Қозоғистон ва Тожикистон темир йўл операторлари ўртасида эришилди.

"Душанбедан поезд пайшанба кунлари кетиб, Остонадан душанба куни ортига қайтади. Чипта нархи уни харид қилиш муддати билан боғлиқ. Агар йўловчи чиптани бир ой аввал харид қилса, унинг нархи 927 сомонийни ташкил қилади. Агар 20 ёки 10 кун аввал харид қилса, унинг нархи бироз қимматроқ бўлади. Душанбе-Остона йўналиши бўйлаб ҳаракат қилаётган поезд эришилган келишувларга биноан, атиги уч ой хизмат кўрсатади. Икки пойтахт ўртасида мунтазам ҳаракатлар ҳақида гапиришга ҳали эрта. Бу фуқароларда мазкур маршрутнинг қанчалик талабга эга эканлиги билан боғлиқ",- сўзини якунлайди манба.



## Бир қатор янги мактаблар қурилиши бошланди

Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали 19 июн куни пойтахтнинг бир қатор янги мактаблари ва улар учун қўшимча бинолар қурилишини бошлаб берди.



Душанбе шаҳри раиси пойтахтнинг Исмоил Сомоний ноҳияси 6-ўрта умумтаълим муассасаси қўшимча таълим биноси қурилишига тамал тошини қўйди. Мазкур таълим муассасаси 1938 йили қурилган бўлиб, бино анча эскириб қолган. Иншоот қурилиши 1,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган.

Рустами Эмомали, шунингдек, Душанбе шаҳрининг Шоҳмансур ноҳияси Халқлар дўстлиги кўчасида қуриладиган янги 102-ўрта умумтаълим муассасаси қурилишини бошлаб берди. Янги мактаб лойиҳаси тўрт қаватдан иборат. У 1,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган.

## Хавфсизликка риоя қилинг

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитети ходимлари томонидан ўтган кунлар мобайнида иккита авария-қутқарув амалиёти ўтказилиб, натижада 6 нафар боланинг ҳаёти қутқариб қолинди, хабар берди комитет матбуот маркази бошлиғи Умеда Юсупова.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитетининг Суғд вилояти бўйича штаби қутқарувчилари "Тожик денгизи" сув омборида юзага келиши мумкин бўлган фожианинг олдини олишди. Б.Ғафуров ноҳиясининг олти нафар балоғатга етмаган ўсмирлари сувда хавфсизлик қоидаларини қўпол бузган тарзда чўкиб кетишларига бир баҳя қолди.



"Ўз кучларини ҳисобга олмасдан, қирғоқдан узоққа сузиб кетишган. Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитети штаби қутқарувчилари ҳушёрлиги ва касбий маҳорати туфайли фожианинг олди олинди. Улар қутқарилиб, қирғоққа олиб чиқилди",- таъкидлади У.Юсупова.

Яқин кунларда мамлакат ҳудудида иссиқ ва қуруқ обҳаво сақланиб қолади. Баланд тоғли минтақаларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши қорлару музларнинг тезлик билан эриши, дарёларда сув сатҳининг кўтарилишига олиб келади. Бу эса, сел келиши эҳтимоли, ер ўпирилиши ва тош кўчишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли, Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитети республика фуқаролари ва меҳмонларидан тоғ йўллари ҳамда сув омборлари ва дарёлари ҳудудида эҳтиёткор бўлишни сўрайди.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

***Жорий йилнинг 14 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Арманистон Республикасига расмий ташриф билан борди.***

Давлат бошлиғини Арманистоннинг «Звартноц» халқаро аэропортида ушбу мамлакатнинг олиймақом намояндалари илиқ ва самимий кутиб олишди.

Олиймақом меҳмон – Тожикистон Республикаси Президенти ташрифи муносабати билан аэропорт майдони икки мамлакат байроқлари, икки халқ дўстлигини куйловчи шиорлар билан байрамона ясатилиб, президент фахрий гвардияси саф тортганди.

14 июн, куннинг иккинчи ярмида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Арманистон Республикасига расмий ташрифи Президент қасри ёнида расмий истиқбол олиш маросимидан бошланди.



Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмонни Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян кутиб олиб, фахрий минбарга таклиф қилди.

Сўнгра тантанали маросим фахрий гвардия қўмондони рапорти, икки мамлакат миллий мадҳиялари янграши, икки давлат раҳбарларининг фахрий гвардия сафи ёнидан ўтишлари, олиймақом меҳмоннинг қабул қилувчи мамлакат давлат байроғига эҳтиром кўрсатиши, икки томон расмий делегациялари билан танишув орқали давом этиб, фахрий гвардия бўлинмаларининг икки давлат бошлиқлари олдидаги ҳарбий маршлари билан ниҳоясига етди.

Дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро самарали ҳамкорликларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар дастлаб икки ҳамкор давлат бошлиқлари – Эмомали Раҳмон ва Серж Саргсянларнинг алоҳида учрашувларида кўриб чиқилиб, сўнгра Тожикистон ва Арманистон делегацияларининг кенг таркибидаги сўзлашувларида давом этди.

Давлат бошлиғи Арманистон Ҳукумати ва унинг дўст халқига илиқ ва самимий истиқбол учун миннатдорчилик изҳор қилар экан, икки мамлакатнинг қадимий муносабатлари, халқларининг жаҳон ҳамжамияти тараққиёти ва равнақига қўшган ҳиссаси, арман халқининг ўз Ватанини гуллаб-яшнатишга интилишлари борасида эслатиб ўтди.

Мамлакат Президенти икки томонлама муносабатлар ҳозирги даражасидан қониқиш билдирар экан, жорий йилда мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши, Тожикистон яқин ва фойдали ҳамкорликлардан манфаатдор эканлиги, олий даражадаги сўзлашувлар воситасида режа ва эзгу ниятларни амалга татбиқ этишга жиддий туртки беришга ҳаракат қилишини таъкидлади.

Дўстлик ва ҳамкорликлар тўғрисида келишувнинг қабул қилиниши, Иқтисодий ва савдо ҳамкорликлари бўйича ҳукуматлараро комиссия ташкил этилиши сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маориф ва маданий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш учун муҳим омил, дея аталди.

Тожикистон ва Арманистоннинг БМТ, МДҲ, КХШТ, бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги икки томонлама ҳамда кўп қиррали алоқалар, жумладан, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа замонавий дунёвий таҳдидларга қарши туриш йўлидаги масалаларни ҳал этиш учун қулай шароит яратилиши қайд қилинди.

Учрашув чоғида мол ва маҳсулот савдоси ҳажмини ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликларни ривожлантириш ва бир-бирининг истеъмолчилик бозорларига йўл топиш учун иккала томон амалдаги субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Гидроэнергетика, тоғ, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт-коммуникация ҳамда алоқа ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, қўшма саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, тош ва қимматбаҳо металларни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш, алюминий маҳсулотлар ва бошқа хўжалик асбоб-анжомлари ишлаб чиқариш учун озод иқтисодий минтақалар имкониятларидан иккала мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш зарур, дея топилди.

Хавфсизлик масалаларига тўхталган суҳбатдошлар оловли минтақалар ва уруш гирдобида қолган бошқа мамлакатлардаги муаммолару мунозараларни ҳал этишнинг муҳим ва фойдали йўлларини таклиф қилишди.

Умуман, олий даражада бўлиб ўтган мазкур сўзлашувлар натижалари икки дўст мамлакат муносабатлари ривожланишига ҳисса қўшишига ишонч билдирилди.

Учрашув охирида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсянни ўзига қулай бўлган вақтда Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан келишга таклиф қилди. Таклиф бажону дил қабул қилинди.

Икки томонлама учрашувлар ва Тожикистон Республикаси Президентининг Арманистон Республикасига расмий ташрифи натижалари бўйича давлат бошлиқларининг қўшма изҳоротлари қабул қилиниб, ҳамкорлик тўғрисида 9та янги ҳужжат имзоланди. Улар қуйидагилардир:

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро сафарлари тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳаво парвози тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Арманистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2018-2019 йиллар учун ҳамкорлик дастури;

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида телекоммуникация ва почта алоқаси соҳасида келишув;

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида таълим квалификациялари, илмий даража ва илмий унвонларни ўзаро тан олиш ва солиштириш тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликлар тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида ёшлар билан ишлаш ва спорт соҳасида ҳамкорликлар тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Бош прокуратураси ва Арманистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув;

-Тожикистон Республикаси Фанлар академияси ва Арманистон Республикаси Миллий фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорликлар тўғрисида келишув.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунгача икки томонлама муносабатлар шартномаҳуқуқий асосини иқтисодиёт, савдо, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданият, илм ва маориф соҳаларидаги икки томонлама муносабатлар турли масалаларини қамраб олувчи 30дан зиёд ҳужжат ташкил қиларди.

Икки давлат бошлиқлари – Эмомали Раҳмон ва Серж Саргсян икки томонлама учрашув якуни бўйича журналистлар кенг доираси учун матбуот конференцияси ўтказишиб, олий даражадаги сўзлашувлар натижаларини дўстона муносабатлар ва ҳамкорликларни ривожлантиришу кенгайтириш учун муваффақиятли, дея баҳолашди.

## Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Арманистон Республикасига расмий ташрифи якуни бўйича

# ҚЎШМА БАЁНОТ

--------------------------------------------------------------- *14 июн 2017 йил, Арманистон.*

Арманистон Республикаси Президенти С.Саргсяннинг таклифи билан 2017 йилнинг 14-15 июн кунлари Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон расмий ташриф билан Арманистон Республикасида бўлди.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги арафасида ўтган сўзлашувлар чоғида давлатлар бошлиқлари икки мамлакат халқлари ўртасида дўстона муносабатларнинг кўп асрлик тарихида замонавий саҳифани очган бу ҳодисалар аҳамиятини алоҳида таъкидлашди.

Тожикистон Республикаси Президенти ва Арманистон Республикаси Президенти тожик-арман муносабатлари бутун мажмуи ҳозирги ҳолати ва истиқболларини ҳар томонлама кўриб чиқар эканлар, Тожикистон ва Арманистон ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар, икки мамлакат халқлари кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталарига таянган ҳолда, Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида 2002 йил 3 апрелдаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг бузилмаслигига асосланиб, Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ўзаро самарали ҳамкорликларни келгусида мустаҳкамлаш иккала мамлакат халқларининг азалий манфаатларига жавоб беришига ишонган ҳолда, халқаро майдонда келгусидаги яқиндан ҳамкорликлар ва амаллар мувофиқлаштирилиши муҳим ва мақсадга мувофиқлигини таъкидлашиб, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳамкорликларни ривожлантиришу самарадорлигини ошириш, Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси аъзо бўлган бошқа халқаро ташкилотларда янада яқин ўзаро алоқаларни ўрнатишга интилган ҳолда, қуйидагиларни изҳор қилади.



Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда қатъий қарорга эга. Улар ўз муносабатларини мустақилликка эҳтиром, баҳсларни тинч йўл билан ҳал қилиш ҳамда куч ва таҳдидни қўлламаслик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тенгҳуқуқлилик ва ўзаро фойда принципларига асосланган ҳолда, ўзаро ишонч руҳидаги стратегик шерикчиликлар асосида бунёд этади.

Давлатлар бошлиқлари иқтисодиёт, савдо, транспорт, ҳарбий ва ҳарбий-техник, илм, маданият, сайёҳлик ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга тайёрликларини изҳор этишади.

Президентлар Тожикистон ва Арманистон ўртасидаги ўзаро ташқи сиёсий алоқаларни иккала давлатлар азалий манфаатларини қамраб олувчи масалаларда ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида чуқурлаштириш икки мамлакат халқлари дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш манфаатларидан келиб чиқиб, тожик-арман давлатлараро ўзаро алоқаларининг асосий унсурларидан ҳисобланишини тасдиқлашди.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси БМТ, ЕХҲТ, КХШТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро алоқаларини ҳам минтақа ва ҳам халқаро миқёсда тинчлик, барқарорлигу хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожлантиради.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси БМТ Низомномаси мақсад ва приниципларига содиқликларини тасдиқлайдилар. Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий тузилмаларнинг мунозаралар олдини олиш ва тинч йўл билан тартибга солиш аҳамияти ошиб бораётган бир вақтда халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашдаги марказий ролини эътироф этадилар.

Арманистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларида хавфсизлик, барқарорликни таъминлаш ва ҳамкорликларни ривожлантиришга йўналтирилган ва келишилган биргаликдаги чора-тадбирларни амалга татбиқ этиш мақсадида ўз ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштиради.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси Тоғли Қорабоғ мунозарасини БМТ Низомномаси халқаро ҳуқуқ меъёр ва принциплари асосида фақат тинч йўл орқали тез орада тартибга солиш тарафдоридир. Президентлар 2016 йил 14 октябрда Ереван шаҳрида қабул қилинган Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг Тоғли Қорабоғ мунозараси бўйича жамоавий хавфсизликка доир билдирган изҳоротлари юзасидан ҳам мавқеларининг яқин эканликларини тасдиқлайдилар.

Томонлар ЕХҲТ Минск гуруҳи ҳамраис мамлакатлари конструктив ҳаракатларини халқаро ҳамжамият томонидан воситачилик мандати берилган ягона формат сифатида маъқуллайдилар.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотининг аъзо давлатлар хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини тасдиқлашиб, ташкилот доирасида ўзаро мажбуриятларни ижро этишда фаол муносабатда бўлишади.

Томонлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг замонавий ҳодисаларга мослашуви йўлида саъй-ҳаракат қилишади.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси глобал таҳдид ва хатарлар – терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ноқонуний савдоси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши туриш соҳасида халқаро келишувлар асосида бундан кейин ҳам ўзаро алоқада бўлишга тайёрликларини тасдиқлайдилар.

Томонлар Тожикистон-Арманистон парламентлараро дўстлик гуруҳи ҳамда Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида Иқтисодий ҳамкорликлар бўйича ҳукуматлараро комиссияси фаолиятини келгусида ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлашиб, зикр этилган комиссия ҳамраислиги даражасини юксалтиришни маъқуллайди.

Томонлар ўзаро самарали иқтисодий ҳамкорликларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, мазкур соҳада мавжуд бўлган имкониятларни амалга оширишга ҳисса қўшишга тайёрдирлар. Шу мақсадда улар савдо обороти ҳажми ошиши, транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, тоғ-металлургия, енгил ва қайта ишлаш саноати ҳамда инновация ва бошқа соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришга имкон қадар кўпроқ ёрдам беришади.

Томонлар икки мамлакат хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро амал механизмини такомиллаштириш ва тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантиришга ҳисса қўшишади.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси Ереван ва Душанбе ўртасида тўғридан-тўғри доимий ҳаво парвозини ўрнатиш тарафдори бўлиб, транспорт соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга тайёрликларини тасдиқлайдилар.

Томонлар маданият ва санъат арбоблари-ю ташкилотлари, тадқиқотчилик марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа маданий-гуманитар ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтиришга ҳар томонлама ҳисса қўшишади.

Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси Президентларининг икки мамлакатнинг ҳозирги босқичдаги давлатлараро муносабатлари икки халқ азалий манфаатларига мувофиқ тарзда ҳамкорликнинг барча соҳаларида ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун кенг истиқболларга эга эканлигига ишончлари комил.

Давлатлар бошлиқлари тўлиқ ўзаро тушуниш фазосида ўтган сўзлашувлар якуни бўйича ҳамкорлик тўғрисида қатор ҳужжатлар имзолонганидан қониқиш изҳор қилишди.

Президентлар олий даражадаги учрашувлар Тожикистон Республикаси ва Арманистон Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар ва кўп қиррали ҳамкорликларни келгусида мустаҳкамлаш учун сезиларли ҳисса қўшиб, янги йўналишларни очганлигини қайд қилишди.

Учрашув охирида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсянни ўзига қулай бўлган вақтда Тожикистон Республикасига жавобан расмий ташриф билан келишга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати дипломатик идоралар орқали келишилади.

*«Ховар» ТМАА.*

## Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тожик-арман сўзлашувлари якуни бўйича

# МАТБУОТ УЧУН БАЁНОТИ

------------------ *14 июн 2017 йил, Арманистон.*

**Ҳурматли оммавий ахборот воситалари намояндалари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

**Энг аввало, ҳурматли Серж Азатович Саргсян, дўст Арманистон Республикаси Ҳукумати ва унинг халқига кўрсатилган илтифот ва меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдиришни истардим.**

Ҳозирги расмий ташриф мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг йигирма беш йиллиги арафасида ўтаётгани рамзийдир.

Шу нуқтаи назардан ташриф ва унинг натижаларини биз мустақиллик даврида босқичма-босқич ривожланиб бораётган тожик-арман давлатлараро муносабатларини мустаҳкамлашнинг давоми сифатида қабул қиламиз.

Бугунги учрашувни биз икки мамлакат ўртасидаги олий даражадаги доимий сиёсий диалогнинг янги босқичи сифатида кўрамиз.

Сўзлашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликлар бўйича масалалар кенг мажмуини кўриб чиқдик.

Биз савдо-иқтисодий, илмий-техник, маданий-гуманитар ва ўзаро манфаатга эга бўлган бошқа соҳаларда ўзаро самарали тожик-арман муносабатларини келгусида ривожлантириш борасида ўз фикримизни баён этдик.

Томонлар бу соҳалардаги ҳамкорликлар ҳали-ҳамон мамлакатларимизда мавжуд бўлган имкониятларга тўла жавоб бермаслиги борасида бир фикрда эканликларини қайд қилишди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликларнинг муҳим йўналишларини кўриб чиқиш чоғида томонлар икки мамлакат хўжалик субъектлари ва хусусий сектори ўртасидаги ҳамкорликларни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлашди.

Биз маҳсулот айирбошлаш ҳажмини сезиларли равишда ошириш, қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга татбиқ этиш мақсадида мавжуд имкониятлардан янада кўпроқ фойдаланиш қарорига келдик.

Иқтисодиёт реал секторида ўзаро алоқаларимизни амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдорлик изҳор қилинди.

Биз арман компанияларини ўз сармоявий имкониятлари ва янги технологияларидан фойдаланган ҳолда, бизнинг иқтисодий нуқтаи назардан фойдали бўлган лойиҳаларимизда иштирок этишга чақирдик.

Бизда энергетика, сайёҳлик, тоғ-кон, енгил, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатлари, транспорт-коммуникация инфратузилмалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида бундай лойиҳалар ва дастурлар мавжуд.

Биз бунинг учун қулай шароитлар яратишга тайёрмиз.

Томонлар амалдаги Иқтисодий ҳамкорликлар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида ўзаро алоқаларни янада фаол давом эттиришга келишиб олишди.

Бугунги учрашув ва сўзлашувлар бизда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликларни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Икки мамлакатнинг илмий-техник, илм, маориф ва маданият соҳаларидаги алоқаларини келгусида ривожлантириш муҳимлиги қайд қилинди.

Томонлар сўзлашувлар охирида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий базасини ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйлаб мустаҳкамлашга йўналтирилган келишувлар янги пакети имзоланиши муҳимлигини эътироф этишди.

Биз халқаро кун тартибидаги бир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдик.

Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни келгусида мустаҳкамлаш масалалари диққатимиз марказида бўлди.

Шу сабабли, БМТ, ЕХҲТ, МДҲ, КХШТ ва бошқа кўп қиррали ташкилотлар доирасидаги ўзаро алоқаларимиз ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдик.

Томонлар глобал таҳдидлар – терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорликларни мустаҳкамлашга тайёрликларини тасдиқлашди.

Минтақавий хусусиятга эга масалаларни кўриб чиқиш чоғида биз Серж Азатович билан Афғонистон муаммолари ҳақида ўз фикримизни билдириб, алоҳида мамлакатлар ва минтақаларда юз бераётган жараёнлар мушкуллашиб бораётганига доир умумий ташвишимизни билдирдик.

Ўз тинчликпарвар тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, мавжуд қарама-қаршиликлар ва мунозараларни умумқабул қилинган халқаро меъёр ва мезонлар доирасида тинч йўл билан ҳал қилиш принципига содиқлигимизни изҳор этамиз.

Сўзлашувлар – бу бизнинг фикримизча, Тоғли Қорабоғдаги каби мураккаб муаммоларни ҳал этишнинг энг конструктив йўлидир.

Сўзим охирида дўстлик ва ўзаро тушуниш фазосида ўтган сўзлашувлар натижаларидан қониқишимизни қайд қилишни истардим.

Бугунги расмий учрашувлар натижалари мамлакатларимизнинг икки халқ манфаати йўлидаги ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги йўналишларни очишига ишончим комил.

Мен ҳурматли Серж Азатовични Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан келишга таклиф қилдим.

Душанбе шаҳрида диалогимизни давом эттириш икки мамлакатнинг ижобий ўзаро алоқаларини фаоллаштиришга ҳисса қўшишига умид билдираман.

**Диққатингиз учун раҳмат.**

*«Ховар» ТМАА.*

# АРА БАБЛОЯН БИЛАН УЧРАШУВ

***2017 йилнинг 14 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Арманистон Республикасига расмий ташрифи доирасида Ереван шаҳрида Арманистон Миллий мажлиси раиси Ара Баблоян билан учрашди.***

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликлар, айниқса, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги масалалар кенг мажмуи кўриб чиқилди.

Давлат бошлиғи Ара Баблояннни парламент сайловлари муваффақиятли натижалари ва унинг ушбу мамлакат Миллий мажлиси раиси вазифасига сайланиши муносабати билан табриклаб, унга омад тилади.

Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон икки томонлама ҳамкорликлар даражасидан қониқиш изҳор қилар экан, жорий йилда дипломатик муносабатларимизга 25 йил тўлиши, икки мамлакат парламентлари қонунчилик тузилмаси сифатида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишига бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшишини ишонч билан қайд қилди.

Давлат бошлиғи тожик парламенти тарихи, тажрибаси, тараққиёти ва ҳиссаси ҳақида эслатар экан, мамлакатимизда қонунчиликни ривожлантириш халқни тўлиқ умумий бирликка олиб келганини қайд қилди. Арманистон Миллий мажлиси Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси каби дўст ва биродар Арманистон Республикаси гуллаб-яшнаши-ю тараққиёти йўлида муносиб хизмат қилишига ишонч билдирди.

*«Ховар» ТМАА.*

# АРМАНИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН МУЛОҚОТ

***2017 йилнинг 15 июнида расмий ташрифи чоғида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Ереван шаҳрида Арманистон Республикаси Бош вазири Карен Карапетян билан учрашди.***

Учрашув чоғида иккала томон учун ҳам истиқболли бўлган сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, илм, маориф, маданият ва атроф-муҳит ҳимояси соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида 30дан зиёд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланган муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакат Президенти суҳбат аввалида дўст Арманистон Республикаси билан икки томонлама ва кўп қиррали ўзаро фойдали муносабатларни янада кўпроқ ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирар экан, бу алоқалар порлоқ келажаги ва имзоланган ҳужжатлар амалга татбиқ этилишига самимий умид билдиришимизни қайд қилди. Иқтисодий ва савдо масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия бу эзгу мақсадларга эришиш учун ишончли асос ётқизиши таъкидланди.

Учрашувда тўқимачилик саноати, замонавий саноат технологиялари импорти, қимматбаҳо металларни қайта ишлаш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва телекоммуникацион технологиялар соҳасидаги муносабатлар ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилди.

Томонлар, шунингдек, гуманитар соҳалар, жумладан, маданият, илм, маориф соҳаларидаги ҳамкорликларни мустаҳкамлаш, икки мамлакат зиёлилари ўртасида ўзаро самарали алоқаларни йўлга қўйишдан манфаатдорликларини билдиришди.

*«Ховар» ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ «ТЕХНОЛОЖИ ЭНД САЙЕНС ДИНАМИКС» КОМПАНИЯСИДА

***15 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Арманистонга расмий ташрифининг иккинчи кунида "Технологи энд сайенс динамикс" (Technology and Science Dynamics) компаниясини бориб кўрди.***

Бу ерда олиймақом меҳмон – Тожикистон Президентини ўзига хос самимият билан кутиб олишиб, компаниянинг ахборот ва коммуникацион технологиялар соҳасидаги фаолияти ва ютуқлари билан таништирдилар.

Замонавий илмий марказ 1998 йили Арманистон озод иқтисодий минтақасида таъсис этилгани маълум қилинди. Компания тадқиқотчилар, тиббиёт фанлари докторлари, фан номзодлари, 27та академик ва тижорат ташкилотлари, давлатнинг бошқа тузилмалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, тадқиқот ва дастурлаш ишларини амалга оширади.

Ходимлар, мутахассислар ва дастурловчилар муҳандислик, технология, биоинженерия, суд-илмий йўналишлари, ихтиролар соҳаларидаги тадқиқотлар, турли дастурлар, компютер илмлари ва маориф соҳасида қайта ишлаш ва дастурлаш билан машғулдирлар.

Давлат бошлиғи мазкур ахборот-коммуникацион марказ ютуқлари билан танишувдан кейин фахрий меҳмонлар китобида эзгу тилакларини ёзиб қолдирди.

# РАСМИЙ КУЗАТИШ МАРОСИМИ

***2017 йилнинг 15 июнида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Арманистон Республикасига дўстона муносабатлар ва ҳамкорликларни мустаҳкамлаш мақсадидаги расмий ташрифи ниҳоясига етди.***

Тожикистон Президентини расмий кузатиш маросими ҳам истиқбол олиш маросими каби «Президент қасри»да Арманистон Республикаси Президенти иштироки билан бўлиб ўтди.

Олиймақом меҳмонни кузатиш учун қаср майдони икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилиб, Арманистон фахрий гвардияси ва нафас асбоблари оркестри саф тортганди.

Кузатиш маросими икки мамлакат миллий мадҳиялари садоси билан ниҳоясига етди.

Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонни ўзига хос эҳтиром ва самимият билан кузатиб қўйди.

Арманистонга муваффақиятли расмий ташрифи охирига етгандан кейин, Тожикистон Республикаси Президенти Ереван шаҳридан Ватанимизга қайтиб келди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**17 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Валтер Штайнмайер номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

- "Жаноби олийлари!

Германиянинг собиқ Канцлери Гелмут Колнинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу ҳисси билан қабул қилдик.

Гелмут Кол атоқли давлат арбоби сифатида мамлакат тараққиётининг бутун бошли босқичи характери ва мазмунини аниқлаб, замонавий тарих саҳифасида Германиянинг бирлашиши ва Европа Иттифоқи ташкил этилиши жараёнида катта рол ўйнаган шахс сифатида мустаҳкам ўрин олди.

Унинг халқаро майдонда тинчлик ва келишувни мустаҳкамлаш, "совуқ уруш" даврининг тугатилиши жараёнидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари унга умумий эътироф ва нуфуз келтирди.

Ушбу қайғули онларда Сизга, марҳумнинг яқинлари ва қариндошлари ҳамда бутун Германия халқига самимий ҳамдардлигимизни изҳор қиламан".

*"Ховар" ТМАА.*

## Миллий бирлик меъмори...

***Истеъдодли тожик шоири Низом Қосим Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга бағишланган бир шеърида " Миллат бирлиги учун уруш билан урушдинг..." деган ажойиб, оҳорли сифатлашни келтиради. "уруш билан урушдинг..." ҳаётий мисра. Уруш ва низоларга чек қўйиб, тинчлик ўрнатган Миллат пешвосининг асл қиёфасини, характерини, тинчликпарварлигини очиб берган сатрлар. Эътиқоди бўлак, дунёқараши ўзгача бўлгани учунгина ота болага, ака укага қурол ўқталган биродаркушлик уруши даврида биз бир-биримиз билан тил ва дил билан эмас, қурол, дўқ-пўписа билан гаплаша бошладик.***

***Ана шундай таҳликали ва мудҳиш кунларда мамлакат тақдирини ким қўлга олди? Маънавиятимиз, минг йиллик шарқона одобимиз инқирозга, тубанликка юз тутган кунларда катта-кичикни ким инсофу диёнатга чақирди? Қолаверса, жарлик ёқасига келиб қолган мамлакатнинг азамат чўққисига ким ўз елкасини тутиб берди? Кимнинг келбати бошимизга ёғилган ўқларга қалқон бўлди?***

***Қуйидаги қайдлар ана шу саволларга самимий жавоб топиш йўлидаги бир уринишдир.***

*Муаллиф.*

# У ВАТАННИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ...



Панж ноҳиясидан Душанбега қараб жўнаган машина йўлларда илгаригидек "инқиллаб-синқиллаб" юрмайди. Бир маромда, енгил боради. Йўллар - кенг ва текис. Ўнг ва сўл томондаги манзаралар ҳам дилтортар, кўнгилга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Душанбега келгунча икки томон, бир-бирига туташиб кетган адирликларда мевали ва манзарали боғ-роғлар гуркираб турибди. Президентимизнинг коммуникация соҳасига жиддий эътибор қаратиши ва боғлар барпо этиш тўғрисидаги кўрсатмалари даъвату қоғозлардан ҳаёт ва амалга кўчганлиги кўзга яққол намоён бўлиб туради: катта хиёбон йўллар чеккасида неон чироқлари, дам олиш бекатлари. Боғларнинг шундоққина этагида боғбонлар челак ва қути тўла мева-чеваларни сотувга чиқаришган. Ҳам чакана, ҳам улгуржи савдо тадбиркорларга ҳам, оддий йўловчиларга ҳам қўл келади. Қўрғонтепа трассасида кутилмаганда машинани тўхтатган ҳайдовчи бесаранжом пассажирларни тинчлантирган бўлди:

-Ўртоқлар! Бир минут. Ўрик оламан. Бир челак ўрик оламану йўлда давом этамиз. Келинингиз мураббо учун "заказ" қилганди.

Машинамиз йўлга чиққанда, икки кўзи олдинга қадалган ҳайдовчи ўзига-ўзи гапиргандай:

-Қандини урсин, Президент. Мана шу адирликлар саҳройи кабирдек қайнаб ётарди. Жазирамада қақшаб турган янтоқдан бўлак гиёҳ унмасди. Энди-чи, Президентимизнинг қайта-қайта таъкидлашлари, чақириқлари ортидан боғлар бунёд этилди.

Ана шундай ширин суҳбатлар билан Душанбе шаҳрига етиб келдик. Кун тиккага келганди.

Машинамиз кўм-кўк осмон фонида ҳилпираб турган Давлат байроғи мажмуаси ёнидан ғизиллаб ўтаётганда, олдинроқда биқиниб ўтирган бир мўйсафид орқасига ўгирилди:

-Тўғри айтасан, ҳайдовчи. Ким нима деса десин, Президентимиз яхши ишларни амалга оширди.

-Тушунмадим, отахон?

-Президентимизни айтаман. Очарчиликни тугатди. Бир парча нонга зор бўлган эдик. Куппа-кундузи ташқарига чиқишга ботинолмасдинг. Урушни айтмайсанми? Бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритди, бу касофат уруш. Болаларнинг дувиллаб оққан кўз ёшларига қарашнинг ўзи кўнгилларни эзиб, обу адо қиларди. Эҳ, у кунлар бошқа қайтиб келмасин! Раҳмат, Президентимизга. Ўшанда бир йил ичида учта раҳбар алмашди. Биротаси мамлакатни бошқара олмади. Эмомали Раҳмон-чи. Эмомали Раҳмон ўзини ўт-олов ичига ташлади, аммо эл-улусни битта – тинчлик ва осойишталик неъматлари билан тўлган дастурхон атрофида бирлаштирди.

-Хўш, хўш, отахон. Нимага жимиб қолдингиз?

Атрофини анвойи гуллар безатиб турган Исмоил Сомоний ҳайкали олдига келганда, кўзлари қувнаб кетган мўйсафид кўрсаткич бармоғини лабига босиб, "жим тур" деган ишорани қилди. Кейин болаларга хос қувноқ кўзларини суҳбатдошига қадади:

-Мана бу ҳайкалга қара, болам. Қўлимдаги тожга боққину, ўзлигингни англа, ватанингни душмандан асра, деб тургандай. Президентимиз Эмомали Раҳмон ҳам Исмоил Сомоний жасоратини такрорлади.

-Исмоил Сомоний қандай жасорат кўрсатган?

-Иммм... - деганча ўйланиб қолди мўйсафид. -Исмоил Сомониймий? Исмоил Сомоний Бухорони қутқариб қолди. Эмомали Раҳмон эса, она-Ватанимиз – Тожикистонни қутқарди.

-Вақтида ўқитувчи бўлиб ишлаганмисиз дейман, бобо?

-Йўқ, оддий бригадир эдим. Далада ишлаганман. Суягим меҳнатда қотган. Лекин меҳнатим эвазига дунёни айланиб келдим. Ҳозир нафақадаман. Неварамни бир кўриб кетишга келдим.

-Неварангиз нима қилади бу ерда?

-Ўқийди, болам. Ўқийди. Президент praвованинг квотаси билан ўқишга келган. Муаллимликка ўқияпти. Миллий университетда.

-Иш йўқ-ку, бобо. Дипломни олиб ёстиқнинг тагига ташлаб қўядими? - сақич чайнаб ўтирган ёш йигитнинг бу луқмаси "сариқ матбуот"даги сийқаси чиққан жумлага ўхшаб кетди.

Энди отахон мулзам бўлиб, дамини ичига ютади, деб ўйладик. Лекин мўйсафид бўш келадиганлар тоифасидан эмас экан. Унинг юзларига мулойим табассум иниб, суҳбатдошига савол назари билан қаради:

-Ўзинг қаерда ишлайсан?

-Менми?- чайналиб қолди ёш йигит. Мен... мен Россияга бориб келаман...

-Она уйингда ишла болам. Она уйингда...

Қиз неварасини кўриб кетиш учун сафарга чиққан мўйсафид Тожикистон Миллий университети бекатида тушиб қолди.

Мўйсафид кетди. Аммо унинг: - "Она уйинг", - деган китобий бўлмаган, оддийгина, самимий сўзлари кўнгилларда нақшланиб қолди.

Она уйинг! Бу сўз бирикмаси кўнгилни ишонч ва умид учқунларига тўлдириб юборади. Она уйнинг катта шаҳар – пойтахт ёхуд олис музофотда бўлишининг фарқи йўқ, унчалик муҳим ҳам эмас. Она уйинг катта шаҳарлар ва пойтахтларнинг харитасида хиралашиб қолиши мумкин. Аммо кўнгил харитасида хиралашмайди. Аксинча, борган сайин, йиллар ўтган сари тиниқлашиб, теранлашиб боради. Она уйинг тинч бўлса, кўнгиллар ҳам тинч бўлади. Кўнгиллар озода бўлади. Президентимиз она уйимизга тушган ўт-оловни меҳр-муҳаббат сувлари билан ўчиришга, қонни қон билан эмас, сув билан ювишга даъват қилди. Миллий бирликни таъминлади. Фуқаролар урушини тўхтатди. Бир ўйлаб кўринг. Улуғ Ватан уруши 1418 кун давом этган бўлса, фуқаролар уруши (1992—1997 йиллар) 1880 кун давом этди. Улуғ Ватан урушида Тожикистондан 60 минг киши ҳалок бўлган бўлса, фуқаролар урушида бу аянчли рақам юз мингни ташкил қилди. 60 минг бола ота-онасидан айрилди. Қарийб бир миллион одам турар жойини мажбурий тарк этиб, "қочоқ" деган номни олган эди.

Эмомали Раҳмон тарихий ўн олтинчи сессия қарори билан давлат сарвари этиб сайланганида, эндигина қирқ ёшга кирган эди. Қўрқув нима эканлигини билмайдиган, довюрак, паҳлавонкелбат йигит аста ўрнидан туриб, давлат байроғи олдида пайдо бўлди. У байроқни ўпиб, юз-кўзларига суртганда, тинчлик ва осойишталикни соғинган кишилар кўзида ишонч ва умид ёшлари ҳалқаланди.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, оқил ва доно сарваримиз Эмомали Раҳмон она-Ватан байроғи олдида берган ваъдасининг устидан чиқди. Шукроналар бўлсинки, бугун биз ана шу табаррук айёмнинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Эмомали Раҳмон ўша хизрнамо мўйсафид айтган она уйимизни, Ватанимизни қутқариб қолди. Мўйсафид айтган она уй ҳаммамиз учун муқаддасдир. Бу уйни асраб-авайлайлик, азизлар.

*Сайфулло ҚУЛАЕВ, шоир.*

# Суғд вилояти янгиликлари

## «Суғд-2017» - янги ҳамкорликлар учун майдон

Хўжандда бўлиб ўтган «Суғд-2017» халқаро савдо ярмаркасида Тожикистон ва хорижий давлатлар тадбиркорлари ўзаро ўнлаб савдо-ҳамкорлик шартномаларини имзолашди. Икки кун давом этган мазкур ярмаркада дунёнинг 10 давлатидан келган 200 нафардан ортиқ тадбиркор ва тожирлар иштирок этди. Шунингдек, ярмаркада 20 дан ортик халқаро ташкилотлари вакиллари қатнашиб, унинг ишига юқори баҳо беришди.

Биринчи марта бундан тўрт йил олдин ташкил этилган ва эндиликда халқаро мақомга эга бўлган ярмарка давлат ҳокимияти Суғд вилояти ижроия органи ташаббуси билан ўтказилди. Ярмаркани ташкил этишдан асосий мақсад халқаро савдони тараққий эттириш, четга товар чиқаришни кўпайтириш, узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан икки томонлама фойдали алоқаларни йўлга қўйиш, инвесторлар маблағларини жалб этиш ва замонавий технологияларни киритиш кабилардир. Ярмарка ташкилотчилари «Суғд-2017» кўзланган мақсадларга эришаётганини таъкидлашди.

Германия, Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон каби давлатлардан келган меҳмонлар, мутахассислар ва тадбиркорлар Тожикистонда ишлаб чиқарилаётган товарлар ўзларига маъқул келганини изҳор этишди. Жумладан, Тожикистонда тайёрланаётган гиламлар, тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон бозорида турдош товарлар билан бемалол рақобат қила олишини айтишди. Серқуёш Тожикистонда етиштирилаётган ширин-шакар меваларга харидорлар кўп бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт банки директори Ян Харфст, Европа Тараққиёт ва Тикланиш банкининг Тожикистондаги раҳбари Айтен Рустамова, Германия Тараққиёт банки раҳбари Кристин Лабс, Белоруссиянинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олег Иванов, Ўзбекистоннинг Тошкент вилояти савдо ва саноат палатаси раҳбари Файзулло Маманов «Суғд-2017» халқаро ярмаркасининг савдо-сотиқдаги ҳамкорликларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтишди. Жумладан, Файзулло Мамановнинг айтишича, Хўжанд ярмаркасида Ўзбекистондан қирқ нафарга яқин тадбиркор қатнашган. Ярмарка жараёнида икки қўшни мамлакат тадбиркорлари орасида қатор ўзаро манфаатли шартномалар имзоланган.



**Суратда: «Тожикагролизинг»нинг Суғд вилоятидаги филиалида ишлаб чиқарилаётган тракторга тиркаладиган қишлоқ хўжалик мосламалари кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.**

## «Элегант»нинг янги филиали иш бошлади

Миллий бирлик байрамининг йигирма йиллиги арафасида Спитамен ноҳиясидаги Тоғаяк қишлоқ жамоати ҳудудида табиий тошларни майдалаб, қайта ишловчи корхона маҳсулот чиқара бошлади. «Элегант» масъулияти чекланган жамиятига қарашли бу корхонада тайёрланган маҳсулотлар қурилишда кўп ишлатилади.

Асосий идораси Бўстон шаҳрида жойлашган «Элегант» масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Абдулаҳад Мўминовнинг айтишича, Тоғаяк филиалида бир кеча-кундузда 35-40 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқарилади ва маҳсулот ҳажми тобора кўпайтириб борилади.

- Бизда ишлаб чиқариш Россия технологияси асосида йўлга қўйилган бўлиб, мавжуд техника ва мосламалар ҳам ушбу давлатда тайёрланган. Тоғаякнинг Тошкўприк қишлоғида жойлашган янги линиямизни ишга тушириш учун 500 минг сомонийлик маблағ сарфланди. Ишчиларимиз ҳозирча 800 сомонийдан маош олишмоқда. Улар учун бепул тушлик тайёрланади. Дам олишлари учун қулай шароит яратилган, - дейди «Элегант»нинг молия бўйича мутасадди раҳбари Бахтиёр Холиқов.

- «Элегант» филиали иш бошлаши биланоқ, асосан, жамоатимиздан бўлган саккиз киши иш билан таъминланди. Яқин орада уларнинг сони камида бир ярим бараварга кўпайиши режалаштирилган, - дейди Тоғаяк жамоати раиси Илҳом Расулов.

## Ваҳдат байрамига обод йўлдан борилади

Конибодом шаҳрининг Ҳожи Алиев ва Ҳожи Содиқ номли кўчаларининг 500 метрлик қисмига мум ётқизила бошланди. Бу хайрли иш маҳаллий тадбиркорлар Раҳматжон ва Равшанбой Азизовлар томонидан амалга оширилмоқда. - «Юртимиздаги тинчлик, давлатимиз раҳбарининг тинчликсевар сиёсати туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлмоқда. Биз ҳам Миллий бирлик байрамининг 20 йиллиги муносабати билан шаҳримиз ободончилигига ҳисса қўшишга аҳд қилдик ва бу ишни муборак Рамазон кунларида бошладик», - дейди Равшанбой Азизов.

Мум ётқизилаётган кўчаларда яшаётган кишиларнинг айтишларича, фақат улар эмас, конибодомлик бошқа юзлаб кишилар ўтадиган йўлларида камида ўттиз йилдан буён таъмирлаш ишлари олиб борилмаган эди. Азизовлар аввалроқ ҳар икки кўчанинг маълум қисмини асфалтлаб беришга бош қўшишган эди. Эндиликда 5 метрлик бўлган 500 метр йўл асфалтланмоқда.

## «Парвоз»да соз ўтаётган ёз

Хўжанд шаҳридаги камтаъминланган оилалар фарзандлари бўлган 150 нафар ўқувчи ёзги таътилни салқин ва хушманзара «Парвоз» болалар лагерида ўтказишмоқда. Улар Бобожон Ғафуров ноҳиясида жойлашган мазкур лагерда 12 кун давомида дам олишади.

Давлат ҳокимияти Хўжанд шаҳар ижроия органидан хабар беришларича, ёзни соз ўтказиш учун имконият яратиб берилган ўқувчиларнинг 30 нафардан кўпроғини етим болалар ташкил этади. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун «Парвоз»да барча қулайликлар мавжуд. Болалар бу ерда турли ўйинлар ўйнашлари, беллашишлари, саҳначаларда куй-қўшиқ ижро этиб, шеър ўқишлари, китоб мутолаа қилишлари мумкин.

Иккинчи навбатда «Парвоз»га яна 150 нафар ўқувчи дам олиш учун жўнаб кетади. Улар ўтган ўқув йили давомида энг яхши кўрсаткичларга эришган Хўжанд шаҳри мактаблари ўқувчиларидир.

Ҳар икки навбатда болалар учун дам олиш текиндир. Бунинг учун Хўжанд шаҳар раиси Маъруф Муҳаммадзоданинг қарори билан 70 минг сомонийга яқин маблағ ажратилган.

*Ўз мухбир.*

√ **Хабар** ==================

## Европа статистиклари конференцияси

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Статистика агентлиги директори Гулнора Ҳасанзода Швейцариянинг Женева шаҳрида Европа статистлари конференциясининг 65-ялпи сессиясида иштирок этмоқда.

Мазкур конференция дунё, жумладан, МДҲ мамлакатлари статистика хизматлари раҳбарлари даражасида ўтказилмоқда. Унда камбағаллик сатҳини ўлчаш, устувор тараққиёт, иқлим ўзгариши, демографик тахминлар соҳасида мақсадлар статистикаси, расмий статистика модернизацияси ва бошқа муҳим мавзулар кўриб чиқилади.

Тадбир очилишида асосий нутқ билан Бутунжаҳон банкининг етакчи иқтисодчиси Жоао Педро Авезеведо чиқиш қилиб, у Статистика агентлигининг кўп ўлчовли камбағалликни ўлчаш бўйича ижобий фаолияти, Тожикистонда субъектив фаровонлик чоралари кўп ўлчовли камбағаллик индекси асосий компонентларини аниқлаш учун фойдаланилганини таъкидлади.

Статистика агентлигида модул тадқиқотлар ўтказиш орқали уй-хўжалик бюджетларини текшириш кўрсаткичларини кенгайтириш бўйича вазифа биринчи даражали аҳамиятга эга.

Мазкур ёндашув камбағаллик, аҳоли бандлиги, тўйиб овқатланмаслик, саломатлик, географик манзил, аҳолининг заиф гуруҳига ёрдам кўрсатишда юқори даражадаги ахборотни олиш учун кўп ўлчовли камбағаллик индексини ўлчашга асосланган ҳам моддий ва ҳам номоддий асосида баҳолашга йўналтирилган.

*Ўз мухбир.*

**Миллий бирлик - 20 йил!**

# МИЛЛИЙ ҒОЯ - ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ

**«Халқ овози» газетасининг 8 июн 2017 йил № 23 (20027) сонидаги С. Ятимовнинг «Илм ва хавфсизлик» мақоласига акс садо**

Дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар силсиласи турли хил кўринишда бўй кўрсатмоқда. Бу ўзгаришлар, асосан, геосиёсий ўйинлар ривожида кўзга ташланади. Дунё мамлакатларининг оддий фуқаролари рўй бераётган сиёсий ўзгаришларнинг асл моҳиятини тушунишмайди. Уларнинг ҳақиқатни билишларига асло йўл қўйишмайди. Бунинг ўз сабаблари бор…

Дарҳақиқат, сиёсат мураккаб масала, уни ҳар ким ҳам тушунавермайди. Айниқса, кўп тоифадаги одамлар сиёсатга аралашишни хуш кўришмайди. Бу ҳаракатлар бир томондан тўғридек бўлиб туюлса-да, бир томондан нотўғри тушунчадир. Буюк Яратувчи томонидан инсонга берилган ақл уни тафаккур қилишга ундайди. Атроф-жавонибда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариш учун одамда сиёсий онг шаклланган бўлиши керак. Лоқайдлик инсонни зулмат кўчаларига олиб киради. С. Ятимовнинг «Илм ва хавфсизлик» мақоласи дунёда рўй бераётган воқеаларга теранроқ назар солишга ундайди. Мақолада: - «Инсоннинг дунё ҳодисаларига баҳо бериши, хулоса чиқариши, муносабатини аниқлаши, юриш-туриши ва амали унинг билими ва малакасига боғлиқ. Ундан ортиқ бўлмайди», - дейилади. Миллий ғоянинг шаклланишида бу каби илмий ва таҳлилий мақолалар сув билан ҳаводек зарурлигини унутмаслик керак.

Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёнинг сиёсат саҳнасида «иккиюзламалик сиёсати», деган янги бир атама урчий бошлади. Бу атама олдин ҳам мавжуд бўлса-да, кейинги пайтларда жуда фаоллашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Худди шу иккиюзламачилик сиёсатини англамоқ учун эса, фуқароларнинг сиёсий онглари шаклланган бўлиши керак. Акс ҳолда, ўз фарзандининг нималар билан шуғулланиб юрганлигига ҳам ақллари етмай юрган ота-оналар сони кўпайиб бораверади…

Жаҳоннинг ўта ривожланган мамлакатларининг геосиёсий ўйинлари ортидан пайдо бўлаётган мунофиқона сиёсатнинг зарари айни пайтда ер юзининг оловли нуқталарига айланган давлатлар фуқаролари чекига тушганлиги ачинарлидир. Аслини олганда, Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан, Сурия атрофида кечаётган қонли муҳорабаларнинг келиб чиқиши ва «Ислом давлати» террорчи гуруҳининг пайдо бўлиши худди шу иккиюзламачилик сиёсатининг ривожланиши билан боғлиқ, деган хулосага келишга ундайди кишини. Дарҳақиқат, дунёнинг қудратли давлатларининг ўзаро бўлишишликнинг уддасидан чиқолмаганликлари ортидан пайдо бўлаётган урушларга диний тус берилиши янада аянчли воқеаларни келтириб чиқараётганлиги сир бўлмай қолди. Чунки дин масаласи жуда нозик ҳисобланади. Энди ривожланган мамлакатлар ўртасидаги кураш совуқ уруш кўринишида давом этаётир. Мен мазкур мақолада воқеалар ривожига ўзларининг салбий ҳиссасини қўшаётган мамлакатлар хусусида аниқ фактларни ёзмасам-да, зукко газетхон гап қайси давлатлар борасида бораётганлигини, аллақачон, англаб етди.

Бизга маълумки, собиқ Иттифоқ тарқатилгандан кейинги ўтиш даври Тожикистонда қийинроқ кечди.

Аниқроғи, ер юзининг виқорли тоғлар билан ўралган бу гўшасига кўз тегди. Нега шундай бўлди?

Тожикистонга экспорт қилинган фуқаролар уруши бунда яшовчиларнинг осойишта ҳаётига раҳна солди, тинчини бузди.

Бунинг объектив ва субъектив сабабларидан бири аҳолида сиёсий тушунча савиянинг пастлигини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Шундай ҳам тўқсон тўққиз фоизи мусулмон бўлган, имоми Аъзам мазҳабидаги халқларни бошқа бегона мазҳабга қориштириб, узоқ йиллик тарихга эга бўлган ва ота-боболари каби худди шу мазҳабда мусулмончилик арконларини бажариб келаётган тожикистонликларни мазҳабларидан мосуво қилиш мақсадида юртни аланга ичига отишди. Сиёсий тушунчаси ғўр бўлган одамлар четдан мажбуран тиқиштирилган идеологияни тушуниб-тушунмасдан улар қутқусига алданганлигини кеч тушунишди.

Аслини олганда, уруш оловини ёққанлар, нафақат, тожикистонликлар, балки муқаддас Ислом дини душманлари ҳам эдилар. Ислом динида инсонларнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи кабира ҳисобланади.

Тўқсонинчи йилларда Тожикистонда бошланган қонли тўқнашувларнинг асосий сабабчилари ўзларининг манфур ниятларини амалга ошириш номумкин эканлигига ақллари етгач, чекинишга мажбур бўлишганди, ўшанда. Тожикистон халқи бир ёқадан бош чиқариб, ватанлари мустақиллиги, динлари софлиги учун курашди. Ҳақ доим адолат томон бўлиб келган. Кўнгли ва руҳи боболарнинг соғлом илдизли руҳониятидан сув ичган тожикистонликлар ватан хоинлари устидан ғалабага эришди. Парокандаликка юз тутган халқ жипслашди. Қонуний ҳукумат қайта тикланди.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигидаги янги ҳукумат муросаю мадора йўлини танлади.

Ўтган ишларга салавотлар ўқилди. Қонуний ҳукумат ишни миллатнинг бошини бир ерга қовуштиришдан бошлади.

Жорий йилда йигирма йиллиги нишонланаётган, «Миллий бирлик» ғоясига ўша даврларда асос яратилганди.

Дунёнинг кўпгина давлат раҳбарлари ҳавас қилса арзигулик сиёсат. Бундай хайрли ишларнинг охири доим ижобий натижа бериб келган.

Бу сиёсатнинг ижобий натижасини дунё аҳли, Тожикистон мисолида кўриб турибди.

Эл-улус қўллаб-қувватлаган ва шу халқ орасидан етишиб чиққан муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмоннинг раҳм-шафқатга йўғрилган сиёсатининг нақадар тўғри эканлиги ўша пайтларданоқ маълум эди. У ҳукумат бошига келгач, одамлар енгил тин олишгани кечагидек эсимда.

Маҳаллийчилик, мансабпарастликлар натижасида рўй берган ички низоларнинг оқибати ўлароқ кўрилган фуқаролар жанги туфайли, кўпгина ватандошларимиз республика ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур бўлишди…

- **Мен сизларга тинчлик келтираман!** - деган Миллат пешвоси давлат бошлиғи сифатида илк иш фаолиятини Ватандан айро тушган ва бегона юртларда сарсонсаргардон бўлиб юрган юртдош ва қондошларимизни ўз уйларига қайтариш саъйҳаракатларини бошлаб юборди.

Бу ишларни амалга ошириш осон кечмади.

Давлат бошлиғи ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада, таҳликали ҳудудларга борди. Қочқинда юрган ҳамюртларимиз билан юзма-юз кўришди. Уларнинг кўнглини кўтарди. Умидсиз бўлмасликка чақирди.

Бундай ҳиммат учун инсонда буюк қалб бўлмоғи лозим.

Тан олиб айтиш керак, Эмомали Раҳмон Тожикистон учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган хизматни адо этди.

Айни замонда Миллат пешвосининг тинчликпарвар сиёсати натижаси ўлароқ, жаҳоннинг 150 мамлакати Тожикистон Республикаси мустақиллигини расман тан олган.

Улар ўзаро ишонч туфайли, Тожикистон билан борди-келди ва олди-берди қилишади.

Ўрта Осиёда яшовчи халқлар қадимий тарихга эга. Уларнинг ибратли ҳаёти, тинчликсеварлик ва ватанпарварлиги билан дунё цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келган. Аслида, буюк шарқни, Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан бизнинг аждодларимизга қиёслашган.

Дунё тарихида қадимий бу халқлар ва уларнинг авлодлари тўғрисида кўплаб асарлар битилган. Боболаримиз ўзларининг ўлмас асарлари мисли кўрилмаган кашфиёт ва тадқиқотлари дунё илм-фани тарихида ёрқин из қолдиришган.

Бутун бошли илму ирфонга асос солган аждодларимизнинг илмий назариялари асосида замонавий илм ҳамон тараққиётда.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон миллий қадрият тўғрисида бот-бот эслатиб туради.

Чунки миллат ўз тарихини ўрганмоғи, ўрганганда ҳам, синчиклаб ўрганмоғи лозим. Агар у ўз аждоду авлодини ким эканлигини билмаса ёхуд аҳамият бермаса, бегона ғоялар хуруж қилган айни замонда манқурт қиёфасига кириб қолиши ва унинг таъсирига берилиши турган гап.

Миллий урф-одат ва анъаналар – боболардан қолган ҳикмат тўла битикларга кўра, ҳар бир киши ўзининг ўтган етти пушти – ота-боболари ҳақида билмоқлиги фазилат ҳисобланаркан. Бундай фазилатдан баҳраманд бўлишнинг ўзи миллий қадриятнинг юқори чўққисидир.

Ўз аждодлари ва улар кечирган ҳаёт, дину диёнати боболаримиз амал қилиб келган суннатий урф-одат, анъаналари ҳақида яхши билим ва тушунчага эга бўлган шахсгина Ватан аталмиш, киндик қони томган муқаддас замин қадрига етади.

Ватаннинг ҳар бир гиёҳи, адоқсиз дала-даштлари-ю тоғу тошларигача биз учун азиз. Бир кафт тупроқ… одам ўлгандан сўнг, устидан ташланадиган бир кафт тупроқ ҳақида қанчалар ёзсанг-да, таърифу тасниф қилсанг-да, унинг адоғига етолмайсан…

Йиллар ўтган сайин, давлатчилик шаклланишида миллий ғоялар устуворлиги асосий рол ўйнайди. С. Ятимов қаламига мансуб «Илм ва хавфсизлик» мақоласидаги илмий таҳлил ва ҳозирги замон сиёсатининг нозик қирраларини зукколик билан илғаб олишлик кенг китобхон сиёсий савиясининг ошишига ижобий туртки беради. Аҳолининг сиёсий саводхонлигини ошириш шу куннинг муҳим масалаларидан эканлигини назардан қочирмаслик керак. Мақоланинг бош мавзуси илмга эътибор беришликни тавсия этибгина қолмасдан, уни ҳаётга татбиқ этишни олдинги режага олиб чиқиши билан ҳам эътборни ўзига тортади.

*Эркин ШУКУР,*
*«Халқ овози».*

**НУҚТАИ НАЗАР**

# ТИТП ва ИШИД

Гуруҳлар, партиялару ҳаракатлар ва сиёсат майдонида вужудга келадиган бошқа оқимлар таъсис этилиши ва фаолият бошлашидан аввал дини-ю сиёсий мазмуни бараварида, уларнинг асил мақсадлари аниқланган ҳолда шаклланиб, сўнгра йўлга қўйилади. Улар ташкилотчилари, аксар ҳолатларда мазкур гуруҳлар жойлашган хорижий мамлакатларда фаолият юритишиб, ўзларининг мақсадли амалларини ижро этишади.

Масалан, ИШИД, «Ал-Қоида», «Лашкари Тайиба», «Шарқий Туркистон Ислом ҳаракати», «Ўзбекистон Ислом ҳаракати», «Толибон» ва бошқа террорчилик амаллари билан машғул ва мамлакатларда уларнинг фаолияти тақиқланган диний-сиёсий экстремистик гуруҳлару ташкилотлар, асосан, Ўрта Шарқда жойлашган бўлиб, уларнинг асил фаолияти турли йўллар билан қатлиом, яъни мусулмонларни йўқотишдан иборатдир. Бу рўйхатга террорчилик фаолияти ва қудратталаблик каби ғаразли мақсадлари исботланган Тожикистон Ислом тикланиш партияси ҳам киритилган.

Қонуний, аммо нодавлат ташкилотларини таъсис этиш маблағларни қўлга киритиш ва ундан келгусида террорчилик фаолиятида фойдаланишнинг йўлларидан бири ҳисобланади. Бу ташкилотларга келиб тушадиган маблағлар хорижий мамлакатлардан совға ва ёрдам сифатида йўлга қўйилиб, баъзи ҳолатларда алоҳида шахслар ўзлари билмаган ҳолда, террорчи гуруҳларга қандай қилиб ёрдам кўрсатганликларини билишмайди ҳам. Жумладан, Тожикистонда фаолияти тақиқланган Ислом тикланиш партияси ташкил этилиши ва неча йиллар мобайнидаги фаолияти давомида мунтазам ёрдаму совғалардан фойдаланиб келган ташкилотлар сирасига киради. Қўлга киритилган грантлар ҳисобидан Кабирий бутун дунёга саёҳат қилиб, ўз тижоратини ривожлантирди ва мустаҳкам бошпана бунёд этди.

Барча террорчи ташкилотлар ўзаро яқин алоқага эга эканликлари ҳеч кимга сир эмас. Юқорида зикр этилганларнинг фаолият йўналиши доим бир хил бўлгани сабабли, дунёнинг у ёки бу минтақасида террорчилик амаллари содир этилиши ҳолатида масъулиятни бирор террорчи партия ўз зиммасига олмасдан туриб, бу амал кимнинг қўли билан содир этилганини ҳеч ким олдиндан айтиб бера олмайди. Бундай ҳодисалар аксарият террорчи партиялар ўзаро яқин алоқада амал қилишларининг исботидир. Хатти-ҳаракатлари сценарийси ҳам бир-бирига ўхшаш.

ИШИД ва ТИТП мисолида сиёсий партиялар мақсадлари ҳақида гап кетганида, бу икки террорчи партия орасида умумийликлар жуда кўп бўлиб, уларни исботлаш учун ишончли далилга ҳожат қолмайди. Зеро маълум бўлиб турган нарсани исботлашга ҳожат йўқдир.

ИШИД Ислом байроғи остида, нафақат Ўрта Шарқ, балки Ғарб оламида ҳам диний қадриятларни суиистеъмол қилган ҳолда, ўзининг террорчилик ишларини амалга ошириб, ўнлаб бегуноҳ одамларни қурбон қилади. ТИТП ҳам ўз ғаразли режаларини ишлаб чиқиш орқали ички давлат тўнтарилишига ҳаракат қилди ва натижада кўп кишилар ҳалок бўлди. Бу партия фаолиятининг мамлакатда тақиқланишига икки йил бўлган бўлсада, ушбу террорчи ташкилот раҳбари - Муҳиддин Кабирий ўз тинчлигини қўлдан бериб, қўлидан кетган мавқеини қайта тиклаш учун ҳали-ҳамон ҳаракат қилмоқда. Ўзининг нопок мақсадларига эришиш йўлида Кабирий бегуноҳ мусича сингари чиқиш қилиб, ўзи учун бошпана ва ҳомий топиши мумкин бўлган минбарни изламоқда. Аммо унинг ўзи фаолияти тақиқланган Ислом тикланиш партияси тўлиқ фаолиятини тўхтатганлиги ва тожиклар сиёсий тарихида омадсиз экстремистик-террорчи партия сифатида қайдга олинганини яхши билади.

*Зиёвиддини АВЛИЁПУР.*

**МУЛОҲАЗА**

# ЭЙ, ЕНГИ КАЛТАЛАР, ҚЎЛНИНГ УЗУНЛИГИ ҚАЧОНГАЧА?

Фирўз Нуруллоевнинг "Паём.нет" наҳзат сайтида "Тожикистонда Камол Отатуркнинг пайдо бўлиши" номли мақоласи ҳар куни наҳзатнинг бу иғвогар машинаси билан ёритиладиган навбатдаги туҳматномадир. Бу иғвогарлик энди Камол Отатурк томон қўлини чўзаётган бўлиб, маданий ва дунёвий Туркия учун сазовор хизмат қилган бу тарихий чеҳра номига ёмон гапларни ёзади. Муаллиф Камол Отатурк ким эканлиги ва Туркия халқига қандай хизмат қилганини қаердан билсин? Фақат заиф имони Туркиянинг баъзи халқни алдовчилари ва наҳзатчи диндорларининг ўзлари учун талқин қилган ёлғон тарқатишларини билади. Туркияда давлат ва дунёвий ҳукумат Камол Отатурк воситасида юзага келди. Бу тоифадаги мазҳабпарастлар бугун дунёвий Туркияни диндорлик ва реакционлик сари бошлаяпти. "Туркия бўйин томири"ни сиз каби мазҳабпараст ва хурофотпарастлар узоқ йиллар мобайнида дин ўзаги асосида тўхтатгандингиз. Камол Отатурк келиб, республикавий ва демократик тузуму тартибни жорий қилди. Албатта, сиз каби калта фикрловчилар ва реакцион кучлар учун дунёвий тузум ёқмайди. Чунки мазҳабий зеҳнларингиз карахт бўлган ва бўшашган. Бошқа томондан, мазҳаб воситасида сиз менталитетга эришиб, халқ орасида эътироф этилгансиз. Халқнинг диний туйғуларини осонгина суиистеъмол қилиб, ўз фойдангизга ишлайсиз. Бу мазҳабчилар ва муҳофиз руҳонийларнинг неча минг йиллик тажрибасидир. Камол Отатурк, ҳақиқатдан ҳам, диний муфтхўрлар ва сиз кабиларни жойларига ўтирғизганди. У исломий муҳофиз руҳонийлар манфаати тўнини йиртиб, Туркия халқи учун озодлик келтиргани ҳам сиз учун аламлидир.

Эмомали Раҳмонга нисбатан Исломга қарши, деган туҳмат сиз ва наҳзат мафкуравий аппаратининг ҳар кеча-кундузлик туҳмати ҳисобланади. Эмомали Раҳмон Исломга қарши эмас, балки республикада Ислому мусулмончилик тараққиёти учун муносиб хизмат ҳам қилган. Қуръоннинг неча марталаб, исломий асарлар чоп этилиши, масжидлар бунёди, минтақавий руҳонийларга эҳтиром Эмомали Раҳмоннинг раҳбарлиги йилларида амалга оширилган тадбирлардандир. Мазҳабий имтиёзлар, Тожикистонда кўпгина беш вақтли ва жоме масжидлари қурилиши Эмомали Раҳмон Ислом ва исломий диёнатга эътиборсиз эмаслигининг гувоҳидир. Марказий Осиёнинг ҳеч бир мамлакатида Тожикистондаги каби диний-мазҳабий имтиёзлар назарга ташланмайди. Буни кўрмаслик ақлсизликдир.

Сиз наҳзатчиларнинг севган мавзуси ҳисобланган соқолу сатр кийиш ҳақида бироз тўхталаман. Соқол қўйиш ва сатр кийиш бугун шу даражада урфга кирганки, аксариятининг одати муҳофиз руҳонийлик ва мутаассиблик бўлганлар риёкорлик ва ўзини кўрсатиш йўлида соқол ва мусулмонлик сатри андозасида жилва қилишиб, бошқаларга иккиюзламачиликни кўрсатишади.

Бугун минтақа ёш авлодлари гуруҳи суннат, имомдорлик, мусулмонлик, иффат, поклик, беғаразлик ва тақводорликни фақат бир кўриниш - соқол қўйиш ва сатр кийишда кўришиб, ўзларини шу тариқа жамият аҳли орасида кўрсатган ҳолда, халқнинг бу тури жаҳолату чуқур таассубга ғарқ бўлиб, бегона ва ўзликларини йўқотган бир ҳолатда жамиятда "ибрат дарси" бўлишади.

Соқол қўйган ва сатр кийган шахслар (диёнат ва риё йўлида) бошқаларга бир турдаги даъвони келтиришади ва ўзларини пок, бошқаларни ўз бараварида нуқсонли, номусулмон ва тўғри йўлдан адашган қилиб кўрсатишади. Бирор ёш йигит соқол қўймаса ва бошқа хотин-қизлар сатр киймаган пайтгача улар бу шахслар назарида бузуқ, ахлоқсиз, нопок, фоҳиша ва гумроҳ сифатида танитилади. Замонавий руҳият нигоҳида соқол ва мазҳабий сатрнинг рамзий-символик маъноси шудир. Мазҳабий соқоллилар ва исломий сатр киювчилар, аксар вақтларда огоҳона ва кўра-била туриб жамиятнинг соқолсизу сатрсиз бошқа аъзоларига қарши туришади ва кўп даъво қилишади. Иккиюзламачиликдан бошқа нарса бўлмаган бу мазҳабий афзалликка интилиш жамиятда ихтилофни вужудга келтириб, ижтимоий тўқнашувлар боисига айланади. Шунинг учун, ривожланган давлатлар раҳбарлари томонидан ва қонуний воситалар орқали тараққиёт ҳолатида риёкорликнинг бу тури олдини олиш замон тақозосидир. Нурсултон Назарбоев мамлакат муфтиёт раҳбарияти ва имом-хатиблари билан суҳбатда куннинг бу доғли масаласини баҳсу мунозарага тортиб, улардан мавжуд хатарлар, жумладан, соқол қўйиш ва сатр кийишга қарши кураш йўлида фаол бўлишни талаб қилди.

Ижтимоий гуруҳларнинг мақсадли равишда соқол қўйишлари ва сатр кийишлари минтақада диний-мазҳабий экстремизмнинг кескинлашуви боисига айланади. Агар риёкорлик ва ўзликни кўрсатишнинг бу турининг олди олинмаса, бу яхши оқибатларга олиб келмайди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев фақат мана шу хатарни ҳис қилган ҳолда, изтироб бонгини урди ҳамда бошқа мамлакатлар раҳбарларини янги аср вабоси - мазҳабий риёкорликка қарши биргаликда кураш олиб боришга чорлади.

Таъкидлаш жоизки, экстремистик гуруҳлар бараварида давлат ва дунёвий ҳукумат чоралар кўради, агар зарур чоратадбирлар қабул қилинмаса, у бошқаларга юқиши ва жамиятни хавфу беқарорлик сари тортиши мумкин. Эмомали Раҳмон миллий қадриятларни ҳимоялаш, ижтимоий ва сиёси-ю маданий ёқимсиз оқибатларга олиб келувчи бегонапарастлик ва бегоналашиш ҳолатида халқ суннатларига эҳтиром кўрсатиш йўлида зарур тадбирларни қабул қилаётгани тўғридир. Дунёвий тузум ўзликни хатарли оқибатларга эга бўлган кўрсатишу диний-мазҳабий риёкорликлар бараварида талабнинг мана шу турини қўяди. Бу дунёвий давлат тузуми ҳуқуқидир. Эски диний тузумга эга давлатларда сатр мажбурий бўлиб, бу ақидага тобе бўлмаган ҳар бир аёл қаттиқ жазоланишини яхши биласиз. Нима учун бугун Тожикистон унинг йўналишида қадам ташлаётган дунёвий давлат талабларини кўрмасликка оламизу, енгимиз калта бўлгани ҳолда, қўлимизни узайтирамиз ва ўзимиздан "қаҳрамон" ясаймиз? Ҳофизнинг фикрича: - "Эй, енги калталар, қўли узунлик қачонгача?" Қўли узунлик қилиш ва ёлғондан қаҳрамон ясаш бас энди!

*Фаридун АМИНИЙ.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## «Армуғон-2017» танлови якунланди

Хатлон вилоятида Тожикистон тадбиркор аёллари миллий ассоциацияси томонидан вилоят ҳунарманд аёллари орасида жорий йил март ойида эълон қилинган «Армуғон-2017» танлови якунланди. Тадбирга бағишланган тантанали йиғилиш Қўрғонтепа шаҳридаги Ато Муҳаммаджонов номли мусиқий-комедик театрида бўлиб ўтди.

Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар беришларича, танлов «Аёллар тадбиркорлиги уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш омили» лойиҳаси доирасида давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи хотин-қизлар ва оила ишлари бошқармаси ҳамда тараққиёт шериклари ҳамкорлигида ўтказилди.



Танлов ўтказишдан мақсад миллий ҳунарларни тараққий эттириш, қўлда бажариладиган ишларни тиклаш, ҳунармандлик маҳсулотлар сифатини яхшилаш, жаҳон бозорида уларнинг рақобатга бардошли бўлишини таъминлаш, энг ҳунарманд аёлларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Вилоят миқёсида 300 нафар аёл ўз ишларининг энг яхши намуналарини баҳо бериш учун танлов комиссияси ҳайъатига тақдим этди ва улардан 25 нафари ғолиб сифатида қадрланди.

Шундай қилиб, ғолиблардан уч нафари тажриба алмашиш учун қўшни Ўзбекистон Республикасига ва беш нафар аёл иш ўрганиш саёҳати учун Суғд вилоятига йўлланма олди. Шунингдек, «Озара» МЧҲЖ директори Тахмина Каримова танловнинг 8 нафар фаол иштирокчиларига тикув машиналари ва бошқа совғаларни топширди. Тадбирнинг маданий қисмида Ато Муҳаммаджонов номли Қўрғонтепа шаҳри мусиқий-комедик театри санъаткорлари йиғилиш иштирокчилари олдида чиқиш қилдилар.

## Адрас ва атлас тўқиш кичик корхонаси

Вилоятнинг Шамсиддин Шоҳин ноҳиясида адрас ва атлас тўқиш кичик корхонаси фаолиятини бошлади.

Корхона масъулларининг хабар беришларича, корхонани таъсис этишдан мақсад, қадимий тўқимачилик ҳунарини қайтадан тиклаш ва уй бекаларини иш билан таъминлашдан иборат.



Манбанинг маълум қилишича, айни пайтда 5 нафар аёл иш билан таъминланиб, бир кунда 30 метргача адрас ва атлас ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

- «Маҳаллий аёллардан яна беш нафари ҳунар ўрганиш курсларига жалб этилган бўлиб, атлас ва адрас тўқиш нозикликларини ўрганишмоқда. Ўрганиш курсларидан ўтгач, улар ҳам иш жойи билан таъминланади», - деб қўшимча қилди манба.

## Панжда автомобил ишлаб чиқарилади

Жорий йил бошидан буён «Панж» озод иқтисодий минтақасида иккита янги субъект қайддан ўтказилди. «Панж» озод иқтисодий минтақаси раҳбари Ҳасан Маҳмадаминовнинг «Авеста» агентлигига хабар беришича, мазкур субъектлар Россия автомобилларини йиғиш ва савдо хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган.

Ҳасан Маҳмадаминовнинг айтишича, Россия компанияларидан бири бу ерда Уляновск шаҳрида ишлаб чиқариладиган «УАЗ» автомобилининг турли модификацияларини йиғишни режалаштирмоқда.

- Айни пайтда компания республикамизга ишлаб чиқариш ускуналарини келтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш инфраструктураси, жумладан, корхонанинг бўлажак биноси масалалари билан шуғулланмоқда, - деб хабар берди «Панж» озод иқтисодий минтақаси раҳбари.

Унинг айтишига кўра, ишлаб чиқариш корхонаси жорий йилнинг сентябр-октябр ойларида фаолият бошлаши режалаштирилган.

Свободная Экономическая Зона "ПАНЧ"

Бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар юртимиз ҳамда хориж бозорлари учун мўлжалланмоқда.

- Иккинчи субъект савдо хизматлари кўрсатишга ихтисослашган, - деди Ҳ. Маҳмадаминов. – У ўзимизнинг юқори сифатли кўмирни металлургия комбинатларига сотиш билан шуғулланади.

Суҳбатдошнинг маълум қилишча, айни пайтда сармоядорлар зарур инфраструктурани яратиш, жумладан, озод иқтисодий минтақа ҳудудида омборлар қуриш билан шуғулланмоқда. Бу мақсадда 2 миллион доллар инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Корхонанинг биринчи босқичи жорий йилда ишга туширилади. Унинг иккинчи босқичи эса, келгуси йилнинг биринчи ярим йиллигида фаолиятини бошлайди.

Эслатиб ўтамиз, «Панж» озод иқтисодий минтақасининг майдони 401 гектарни ташкил қилади.

*Ўз мухбир.*

**Миллий бирлик – 20 йил!**



*Ислом ШАФЕИЁН, Панжакент шаҳри раиси.*

# МИЛЛИЙ БИРЛИК ФАЙЗИДАН ГУЛЛАГАН ШАҲАР

Бугун миллий бирликнинг бунёдкорлик файзи мамлакат ва унинг тинчликпарвар халқига баракату зафар олиб келди. Файласуфу адиблар асарларида инсоният абадийлиги асоси сифатида тасвирланган ўша тинчлик, жипслик ва бирлик бундан йигирма йил муқаддам - тожик миллати унинг қутлуғ қадамини орзиқиб кутаётган бир пайтда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг метин иродаси ва жасорати ўлароқ ўрнатилди.

Тинчлик ва миллий бирлик файзу баракатидан қадимий Панжакент аҳолиси ҳам саодатли ҳаётга эришди. Бироқ ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида миллат бошига тушган аччиқ ва қонли хотиралар ҳозир ҳам одамлар ёдидан кўтарилганича йўқ. Фуқаролик уруши йилларида қуролли тўқнашувлар бўлиб турган минтақалар аҳолиси ўз уй-жойларини ташлаб, мамлакатимизнинг тинч шаҳру ноҳияларига кўчиб келишган эди. Ўша оғир пайтларда Панжакентнинг меҳмондўст халқи ўз эшикларини қочқинлар учун кенг очиб, мажбурий ҳамда тақдир тақозосиила ўз манзилини тарк этган юзлаб кишиларни оғушига олди. Давлат ҳокимияти шаҳар ижроия органининг қўллаб-қувватлаши ҳамда меҳрибон ва саховатли инсонлар ёрдамида улар иш ва турар жой, энг муҳими, тинч ва осойишта ҳаёт билан таъминландилар.

Ўша пайтларда жигарбандлари қонли тўқнашувлар натижасида ҳалок бўлганларнинг оилалари чеккан нола-ю фарёд оламни тутганди. Панжакент шаҳрининг ҳам ўнлаб йигитлари ўша бемаъни тўқнашувлар қурбони бўлди. Улар оилаларининг қалбидаги алам эса, ҳозиргача сақланиб қолган. Ўша пайтлардаги тўйҳашамлар яхши кайфиятда ўтмасди. Ота-оналар иложсизлик ва қўли калталиклари боис, ўғилларининг хатна тўйларини жуда ночор ҳолда ўтказардилар. Қарз олиб, рўзғоридаги бор бисотини сотиб, фарзандларини оилали қилардилар.

Маъракаларда ёзиладиган дастурхонларда фақат бир-икки бурда суви қочган нон ва товоқларда бир каптир ошдан бошқа ҳеч нарса бўлмасди. Чунки ўша йилларда нон топилмас, бозор ва дўконлар расталари бўш, одамларни эса, Ватан ва миллат тақдири хавотирга солиб қўйганди.

Статистик маълумотларга кўра, 1993 йили шаҳарнинг Қўштепа қишлоқ жамоати (ҳозирги Ҳалифа Ҳасан)да атиги ўн битта тўй ўтказилган экан. Ҳозир эса, мазкур жамоатда бир кунда юқорида келтирилгандан кўра кўпроқ тўй-маъракалар учун дастурхон ёзилади. Мазкур жамоатдан яна бир фарқ қилувчи мисол: сўнгги йигирма йил ичида жамоат аҳолиси икки мингдан зиёд замонавий бир ва икки қаватли уйларни қуриб, турмуш шароитини бир неча баравар юксалтирди. Жамоат ҳудудидаги янги Обшорон, Деваштич, Хамиртепа шаҳарчалари аҳолиси яшаш учун яхши шароитлар билан таъминланган. Хамиртепа шаҳарчасида бунёд этилган замонавий уйлар мамлакат Ҳукумати, давлат ҳокимияти Суғд вилояти ва Панжакент шаҳар ижроия органлари қўллаб-қувватлаши, маҳаллий тадбиркорлар ва ташкилоту идораларнинг бу ишга қўшган ҳиссаси билан қуриб битказилди.



Мустақиллик шарофати ва миллий бирликнинг йигирма йили давомида Панжакент аҳолисининг яшаш шароити буткул ўзгарди. Бунга эса, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг «Суғд вилоятининг давлат ҳокимияти Панжакент шаҳар ижроия органига ер участкалари бериш тўғрисида»ги 2010 йил 2 сентябрдаги 441 рақамли қарори катта туртки бўлди. Унинг асосида 2046,72 гектар ер участка сифатида ажратилиб, 14 минг 567 нафар муҳтож оилаларга бўлиб берилди. Мамлакат Ҳукуматининг бундай ғамхўрлиги орқали панжакентликларнинг ер ва турар жойга бўлган эҳтиёжлари ўз ечимини топди.

Ўтган давр мобайнида Панжакент шаҳар сиймоси ҳам юзлаб ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалар учун бунёд этилган иншоотлар ҳисобидан тубдан ўзгарди. Истиқлол, Шаҳристон туннеллари ва Айний-Панжакент йўлининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши билан Зарафшон водийси коммуникацион боши берк кўчадан чиқди. «Зарафшон» МЧЖ ҚК ва бошқа бир қатор кичик цехлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасининг самарали фаолияти Панжакент иқтисодиёти ўсишига ёрдам берди. Шаҳримизнинг тараққиётга юз тутганлигини исботлаш учун фақатгина Панжакент Суғд вилоятида ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг ўн тўққиз фоизини ташкил этишини айтиш билан кифояланса бўлади. Жорий йил охирига қадар Панжакентда 14та байрам иншоотлари, жумладан, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари бунёд этилиши режалаштирилган.

Бундай ютуқларнинг барчаси Миллий бирлик шарофати ҳисобланиб, Миллат пешвосининг доимий ғамхўрликлари ўлароқ Панжакент халқига насиб этган. Шаҳар аҳолиси бошига тушган оғир кунларда Давлат бошлиғи уларнинг ёнида турганлигидан миннатдордир. Негаки, кетма-кет ёғингарчилик натижасида сел келиши Панжакент хўжаликлари ва аҳолисига катта зарар етказиб, ўнлаб кишилар қурбон бўлган бир пайтда, мамлакат Президенти бу қадимий шаҳарга сафар уюштириб, мазкур табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадида мамлакат шаҳру ноҳиялари раҳбарларидан тегишли чора-тадбирлар кўришларини талаб қилди. Қисқа вақт ичида Давлат бошлиғининг бевосита қўллаб-қувватлаши асосида сел оқибатлари бартараф этилди ҳамда зарар кўрган аҳоли янги қурилган уйларга кўчирилди. Шинг қишлоқ жамоатининг селдан зарар кўрган кишилари учун 140та уч хонали ва айвонли уйлар, намунавий мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Янги уйлар ва мактаб биносини фойдаланишга топшириш маросимида қатнашиш учун Саразм қишлоқ жамоатининг янги бунёд этилган Саразм шаҳарчасига ташриф буюрган Миллат пешвоси уйлар калитини зарар кўрган кишиларга топширар экан, шундай деганди: - «Сизу бизнинг ёнимизда тожик миллатининг муқаддас жойларидан бири – қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва ҳунармандлик маданияти ибтидоси – қадимий Саразм шаҳри турибди. Шу боисдан, янги шаҳарча Саразм ва қишлоқ жамоати ҳам Саразм, деб номланиши керак. Олти минг йиллик тарихга эга Саразм кўп сонли сайёҳлар зиёратгоҳи ва Тожикистон халқи ифтихорига айланишига ишончим комил. Тожикистон Ҳукумати зудлик билан Саразм қишлоқ жамоатини ободонлаштириш ва суғориш масаласини кўриб чиқади ҳамда ҳал этади».




Миллатнинг суюкли фарзанди бу қадимий диёр ва унинг самимий аҳолисига бўлган меҳри ўлароқ ўз ваъдаларини бажарди. Кўп ўтмай, мамлакат Президентининг доимий ҳаракатлари эвазига Саразм ёдгорлиги ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилди. Аждодларимизнинг қадимий ўлкасида учта сув насос-станциялари ишга туширилиб, иккита қайта тикланган канал билан Саразм гуллаган ва обод воҳага айланди. Шу билан бирга, аҳолининг яхши турмуши учун қулай шароитлар яратиб берилди.

Тожикистонда ўрнатилган тинчлик ва миллий бирлик ҳамда осойишталикнинг йигирма йилида бунга ўхшаш шаҳар ва шаҳарчалар қад кўтариб, қайта тикланди. Улкан саноат корхоналари ишга туширилиб, чўлу биёбонлар гулу гулзорларга айлантирилди. Энг асосийси, мустақил Тожикистон бугун дунё мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти орасида ўзига хос мавқенинг эгаси бўлди.

# ВАҲДАТ – УЧ МУҚАДДАС ҚАДРИЯТДАН БИРИ

Тожикистон Миллий бирлик ва тикланиш ҳаракати Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг халқ ҳаракатлари аввалида туриб, ўз ишончини мамлакат бунёдкор халқи иродаси билан ифодалайдиган донолиги ва узоқни кўра олишлигидан яна бир марта дарак берди. Миллий бирликка эришилган сана Тожикистон учун улкан тарихий аҳамиятга эга. Чунки фуқаролик урушидан азият чеккан ва бирбиридан ажралган халқ бугун яна жипслашиб, бирликка эришди. Биз миллий бирликни осон қўлга киритмадик. Шунинг учун ҳам, ҳар доим одамларни бундай буюк неъматнинг қадрига етиш ва уни такомиллаштиришга ундашимиз керак.

Ўтган йиллар давомида реал бирликка эришиш, Ватан, давлат ва миллат манфаатларини барча нарсадан устун қўйишимиз бизнинг улкан ютуғимиз эди ва шундай бўлиб қолади. Халқлар бирдамлиги ва дўстлик ғояси халқимиз тарихида ўзига хос мавқега эга.

Миллий бирлик фақат тожикларнинг бирдамлиги эмас, балки республикамизнинг барча фуқаролари – тожик, рус, ўзбек, туркман ва бошқа миллату элатлар бирлигидир. Эндиликда биз мамлакат тараққиёти ва осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилиб, Давлат бошлиғи атрофида жипслашган ҳолда, азиз Тожикистонимиз нуфузини халқаро майдонда баланд чўққиларга олиб чиқишимиз керак.

Ҳар бир мамлакат мустақиллигини, асосан, уч муқаддас қадрият – истиқлолият, тинчлигу барқарорлик ва жамият бирлиги-ю мувофиқлиги аниқлаб беради. Бу уч омил жамият тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади. Миллатнинг фидойи фарзанди Эмомали Раҳмон қудрат тепасига келган пайт Тожикистон курашлар ёқасида турганди. Мамлакат ичкарисидаги уруш ва қарама-қаршиликлар улкан моддий ва жон талафотларига сабаб бўлиб, давлат яхлитлиги ва тожик миллатининг боқийлигига таҳдид соларди.

Давлат бошлиғи дастлабки кунларданоқ мамлакатни ҳалокат ёқасидан сақлаб қолиш, минглаб қочқинларни бирлаштириш йўлида доно андиша ва чора-тадбирларнинг мукаммал режасини йўлга қўйди. Мухолифлар бошлиғи билан бўлган сўзлашув ва музокараларда, хоҳ ичкарида бўлсин ва хоҳ ташқарида ёш жонига бўлган хатарлардан кўрқмасдан, сўзлашувлар столига ўтирарди. Биз халқнинг мамлакат Олий Кенгаши XVI сессиясининг биринчи кунларидан тинчлигу барқарорлик, миллат бирлиги ва азиз Ватанимиз яхлитлигини таъминлайдиган муаззам раҳбарни қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис этардик. Ўша нотинч шароитда янги ташкил этилган мустақил давлатнинг ҳуқуқий заминаларини вужудга келтириш учун барчанинг баравар ҳаракат қилаётганлигини сезардик. Тожик миллати давлат мустақиллиги қаторида XX асрнинг ноёб ҳодисаси ва буюк неъмати бўлган Миллий бирликни эҳтиром этмоғи лозим. Миллат душманларининг турли алдов ва найрангларига учмасдан, шу Ватан ва қадимий замин ободлиги фикрида бўлиши керак. Миллий бирликни бошқа миллий қадриятлар қаторида эҳтиром этиш ҳар бир ватанпарвар шахснинг вазифасидир.

***Мухтор ИСОЗОДА,***
***Душанбе шаҳар суди судяси.***

# МИЛЛИЙ ҚОНУННИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ




Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни давлат мустақиллиги йилларида қабул қилинган ҳужжатлардан бўлиб, у мамлакат қонун яратиш тарихида янги саҳифани бошлаб берди.

Масъул идоралар томонидан ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур қонун меъёрлари йилдан-йилга фуқаролар ҳаётига татбиқ этилиб, уларнинг турмуш даражаси яхшиланишига ҳисса қўшиб келмоқда. Мисол учун, хурсандчилик айёмлари (келин-куёв ва хатна тўйлари) меҳмонларнинг аниқ бир сони иштирокида, куёв чорлар, келин кўриш, бешик тўйи, чилла қочди ва соч тўйи каби анъаналар фақат оила даврасида, мотам маросимларидан эса, қирқ ва йил маъракалари бир хил таом бериш, уч маъракаси бўлса, таом бермасдан чақирилган кишиларнинг аниқ сони билан ўтказилмоқда. Бундай маъракалар орасида етти, умуман, тақиқланган. Яъни ҳар бир фуқаро ўз ихтиёри ва молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда, маъракаларини ўтказади. Шу билан бирга, фуқаро юқоридаги маъракаларни кам сонли кишилар ва ёки оила даврасида ўтказиш имкониятига ҳам эга. Шунингдек, фуқаро маъракa ўтказмаслиги ҳам мумкин, чунки қонун меъёрлари ихтиёрий бўлиб, маъракa эгасига ҳеч ким бундан ортиқ мажбуриятларни юклай олмайди.

Мустақиллик даври, хусусан, миллий қонунни амалга ошириш жараёни шу нарсани исботладики, қонун миллий урф-одатларни тартибга солиш йўлидаги тожик миллати тафаккурига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Бу орада кераксиз урф-одатлар йўқотилиб, халққа кўпроқ ўз оиласи саломатлиги, унинг учун яхши шароит яратиш ва фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш борасида имконият яратиб берилди. Мазкур қонунни амалга татбиқ этишнинг дастлабки кунларидан мамлакат фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида, унинг иқтисодий ва ижтимоий натижалари кўзга ташланди.

Биз бундай ютуқларни назардан четда қолдирмасдан, ҳар доим унинг асослари такомиллаштирилишини таъминлашимиз керак. Чунки қонун халқимизнинг фаровон келажаги учун мустаҳкам пойдевор қўйди.

Агар қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиш даврида қўлга киритилган ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, улар жуда кўп. Мисол учун, маъракаларни чеклаш ва камхарж ўтказиш билан мамлакат фуқаролари бюджетида 17 миллиард сомоний маблағ депозит бўлди. Фуқаролар сарф қилинган маблағлар ҳисобидан фарзандлар тарбиясига кўпроқ аҳамият қаратиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, қонун фуқароларга маъракаларини қисқа вақт ичида ўтказиб, ҳам вақтлари, ҳам маблағларини тежаш имконини берди. Бирин-кетин ўтадиган маъракалар кўпинча иш кунларида уч кундан бир ҳафтагача чўзилиб кетарди. Бу эса, ишлаб чиқариш ва бошқариш ишлари ижросидаги ҳам молиявий ва ҳам маънавий зарарни келтириб чиқарарди. «Тўйга таклиф этмади», «иззатимни жойига қўймади», «яхши сарпо қилмади» каби маъракаларга хос бўлган арзимас, таънали сабаблар узоқ йиллар давомида қариндош-уруғ ва яқин дўстлар ўртасидаги муносабатлар совуқлашиши, айрим ҳолларда, умуман, узилиб кетишига олиб келарди. Ҳозир эса, улар йўқ бўлди. Шунга қўшимча ҳолда айтиш мумкинки, маъракаларда чорва сўйиш зарурати камайди ҳамда аксарият фуқаролар ўз маъракаларини чорва сўймасдан дўкон ва бозорлардан гўшт сотиб олиш билан ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозирги пайтда ўрта ҳисобда бир ярим маъракага бир дона чорва тўғри келмоқда. Қонун фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиши ҳамда Оила ва Солиқ кодексларининг татбиқ этилиши учун яхши шароит яратиб берди. Никоҳларни қайдга олиш миқдори ҳам қонун қабул қилинган вақтгача нисбатан бир неча баравар ошди. Агар қонун қабул қилинишигача мамлакатда тахминан 55-57 минг никоҳ қайд қилинган бўлса, қонун қабул қилингандан сўнг, ҳар йил бу кўрсаткич тахминан юз минг ва ёки ундан кўпни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, тўй ва маросимларга хизмат кўрсатадиган санъаткорлар ҳамда хизмат кўрсатиш нуқталари билан тузилган шартномалар ҳисобидан солиқ тўлаш миқдори ошганлиги сезилмоқда. Ўтган давр мобайнида бу ҳисобдан тўланган солиқ миқдори 25 миллион сомонийни ташкил этди. Шунингдек, қонун хайрли амалларни бажариш, 96 мингдан кўпроқ камтаъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини умумий хайриявий маъракалар орқали ташкил этиш учун қулай шароит яратиб, уларни маърака ўтказиш учун ортиқча ташвишлардан озод қилди.

Тожикистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Паёмида шундай таъкидланган эди: - «Сизу биз халқимиз турмуш шароитининг янада яхшиланиши учун ҳаётнинг барча йўналишларида ортиқча харажатларга йўл қўймасдан тежамкор бўлишимиз ва фарзандларимизни ҳам мана шу руҳида тарбияламоғимиз зарур». Давлат бошлиғининг халқимиз қадимий анъаналари ва маданиятидан сарчашма оладиган бундай кўрсатмалари мамлакатнинг ҳар бир огоҳ ва ватанпарвар кишиси учун ибрат намунаси ва қўлланма сифатида хизмат қилмоғи лозим.

***Азизулло МИРЗОЗОДА,***
***Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитети раиси ўринбосари.***

**СМС**

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

Тел: 918-61-99-71

===== **Мамлакатимизда** =====

---------- *Футбол* ----------

## "ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ-2018"ГА ҲОЗИРЛИК

Тожикистон ёшлар (U-19) терма жамоаси янги бош мураббий Мубин Эргашев бошчилигида жорий йилнинг 31 октябридан 8 ноябригача мамлакатимиз пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган "Осиё чемпионати-2018" турнирининг саралаш босқичига тайёргарликни бошлаб юборди.

Ёшлар термаси бир ҳафта давомида Бишкек шаҳрида тайёргарлик ўқув-машғулотларини ўтказади.

Мубин Эргашев ўқув-машғулотларига 3 нафар дарвозабон, 7 нафар ҳимоячи, 8 нафар ярим ҳимоячи ва 4 нафар ҳужумчини сафарбар этган.

Ўқув-машғулотлари доирасида ёш футболчиларимиз қирғизистонлик тенгқурларига қарши иккита ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

Эслатиб ўтамиз, ёшлар термаси саралаш босқичининг "В" гуруҳи мусобақаларида Ўзбекистон, Шри-Ланка ва Малдив ороллари намояндаларига қарши майдонга тушади.

## ЖАДВАЛ ПЕШҚАДАМИ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Мамлакатимизнинг бир қатор шаҳар ва ноҳиялари стадионларида олий лига жамоалари ўртасида Тожикистон биринчилигининг 12-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Футбол мухлислари турнинг марказий ўйинини Турсунзода шаҳридаги "ТалКО-Арена" ўйингоҳида томоша қилишди.

Бу ерда "Регар-ТадАЗ" жамоаси чемпионат турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган Душанбе шаҳрининг "Истиқлол" клубини қабул қилди.

Мезбонлар амалдаги чемпионга муносиб қаршилик кўрсатиб ўйнашди. Учрашув биринчи қисмининг 23-дақиқасидаёқ "металлурглар" ҳужумчиси Фирўз Раҳматов меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очди.

Дастлабки тайм тугашига саноқли дақиқалар қолганида, "Истиқлол" клуби сардори Фатҳулло Фатҳуллоев ҳисобда тенгликни ўрнатди.

Иккинчи қисмда томонлар ҳар қанча уринишмасин, натижани ўз фойдаларига ўзгартира олмадилар. Шундай қилиб, амалдаги чемпион яна очко йўқотди.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Хўжанд"-ЦСКА "Памир"- 0:0, "Ҳосилот"-"Барқчи"- 0:1, "Панжшер"-"Вахш"- 6:2.

======= **Жаҳонда** =======

---------- *Футбол* ----------

## "КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ-2017" АВЖИДА

Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Қозон ва Сочи шаҳарлари стадионларида "Конфедерациялар кубоги-2017" турнири қизғин давом этмоқда.



Турнирда дунёнинг саккизта энг кучли терма жамоаси икки гуруҳга ажралиб кураш олиб бормоқда. Гуруҳлар таркиби қуйидагича:

"А" гуруҳи: Россия Федерацияси, Португалия, Мексика, Янги Зеландия;

"В" гуруҳи: Германия, Чили, Австралия, Камерун.

"Конфедерациялар кубоги" ҳар тўрт йилда жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилишидан бир йил олдин ташкил этилади.

Мазкур турнирнинг амалдаги ғолиби Бразилия терма жамоаси ҳисобланади.

"Конфедерациялар кубоги-2017" турнири 17 июндан 2 июлга қадар давом этиб, ҳар икки гуруҳда биринчи-иккинчи жойларни ишғол этган терма жамоалар ярим финал босқичида курашни давом эттиради.

---------- *Бокс* ----------

## "ҚАСОС" ЖАНГИДАГИ МАҒЛУБИЯТ

Америка Қўшма Штатларининг Невада штати Лас-Вегас шаҳрида касбий бокснинг WBA (Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси), WBO (Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти), IBF (Халқаро боксчилар федерацияси) йўналишлари бўйича "қасос" жанги ўтказилди.

Унда ўтган йили юқорида зикр этилган йўналишлар бўйича чемпионлик камарларини бой бериб қўйган россиялик Сергей Ковалёв ва амалдаги жаҳон чемпиони - америкалик Андре Уордлар рингга чиқишди.

Ўн икки раундлик жангнинг саккизинчи уч дақиқалик қисмигача очколар юзасидан олдинда борган Сергей Ковалёв кутилмаганда техник нокаут ҳолатига тушиб қолди.

Шундай қилиб, жисмоний жиҳатдан жангга пухта тайёрланмаган россиялик спортчи касбий бокснинг уч йўналиши бўйича чемпионлик камарларини қайтариб олиш имкониятидан фойдалана олмади.

---------- *Волейбол* ----------

## РОССИЯЛИКЛАР "ЖАҲОН ЛИГАСИ" ФИНАЛИДА

Полшада спортнинг волейбол тури бўйича "Жаҳон лигаси" турнири финалига йўлланма берувчи учинчи босқич мусобақалари ниҳоясига етди.



Босқичнинг сўнгги турида Эрон Ислом Республикаси волейболчиларига қарши ўйнаган Россия терма жамоаси йўлланма учун рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Йирик - 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган руслар пировард натижада тўртинчи ўринни эгаллаб, кучли олтилик таркибига киришди.

"Жаҳон лигаси" финал босқичи учун дунёнинг 36 терма жамоаси курашга қўшилган эди. Кучли дивизионда эса, 12 жамоа қатнашди.

"Жаҳон лигаси"нинг финал босқичи жорий йилнинг 4-8 июл кунлари Бразилиянинг Куритиб шаҳрида бўлиб ўтади.

***"Халқ овози"нинг спорт шарҳловчиси.***

## Европа

*Англия*

### Яна фургон фожиаси

19 июнга ўтар кечаси Лондон шимолида минивэн (микроавтобус) масжиддан чиқаётган одамларни босиб кетди. Полициянинг таъкидлашича, воқеа оқибатида бир неча киши жабрланган, бироқ уларнинг аниқ сони айтилмаган. Воқеа Финсбери-парк районидаги "Seven Sisters Road" кўчасида юз берган. Бу ҳақда "LBC" маҳаллий нашридан иқтибос келтирган ҳолда РБК хабар берди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари берган маълумотларга кўра, воқеа оқибатида қурбонлар бор, уларнинг сони аниқланмоқда. Таъкидланишича, машина ҳайдовчиси одамлар томонидан ушланиб, полицияга топширилган.

Гувоҳларнинг айтишича, фургон секин ҳаракатланиб, одамларга яқинлашгач, тезлигини атайлаб оширган. Гувоҳлардан бири қўлга олинган ҳайдовчини "иркчи" деб атаб, бўлиб ўтган воқеани эса, мусулмонларга адоват ортида амалга оширилганини айтган.

*Франция*

### Иккинчи турнинг илк натижалари

Франция Президенти Эммануэл Макроннинг "Олға, республика!" ҳаракати Франция парламенти қуйи палатаси - Миллий йиғилишга сайловларнинг 2-турида ишонч билан етакчилик қилмоқда. Бундан мамлакат ички ишлар вазирлиги тақдим қилган илк натижалар дарак бермоқда.

56,76 фоиз (11,8 миллион) бюллетенлар ҳисоб-китоб қилингандан кейин, олинган маълумотларга кўра, мамлакат бўйлаб "Олға, республика!" номзодлари учун 41,25 фоиз сайловчилар овоз берган.



Бироқ шу билан бирга, бу рақамлар сайловчиларнинг қўллаб-қувватлаши даражасинигина кўрсатади: Францияда парламент сайловлари мажоритар тизим бўйича ўтади. Унга кўра, депутатлар 577та бир мандатли округлар бўйича сайланадилар. Биринчи турда ютиш учун 50 фоиздан кўпроқ овоз тўплаш керак эди, бироқ бунга фақатгина 4 номзод эриша олди. Иккинчи турда эса, кўпчилик овоз тўплаган номзод ғолиб бўлади.

***

"Миллий фронт" етакчиси Марин Ле Пен Франция парламенти қуйи палатасига сайловлар натижаларига кўра, илк марта бу палата таркибига кирди. Бу ҳақда AFP ахборот агентлиги хабар берди.

Франция қонунларига кўра, Марин Ле Пен энди Европа парламентидаги мандатидан воз кечиши керак, чунки бу икки ваколатни биргаликда олиб бориб бўлмайди.

Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган Энен-Бомон шаҳридаги сайлов округида "Миллий фронт" етакчиси 58,75 фоиз овоз тўплаган.

*Туркия*

### Заҳарланган ҳарбийлар

Туркия ғарбидаги Манис райони ҳудудида жойлашган армия бўлимларидан бирида 731 нафар ҳарбий озиқ-овқатдан заҳарланиши натижасида шифохонага етказилди. "Hurriyet" нашри шу ҳақда хабар берди.



Тушликдан кейин ҳарбий хизматчилар ўзларини ёмон ҳис қилаётганликларидан шикоят қилишган.

Прокуратурадан тергов доирасида 21 киши қўлга олингани тўғрисида хабар берилди.

## Осиё

*Сурия*

### Ҳарбий самолёт уриб туширилди

АҚШ бошчилигидаги коалиция 18 июнда Суриянинг Raққа шаҳри яқинида Сурия ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётини уриб туширди. Бу ҳақда Сурия Мудофаа вазирлигидан маълум қилинди.

- "Самолётимиз Ракқа шаҳрида уриб туширилди. У ИШИДга қарши топшириқни бажараётган эди", - дейилади хабарда.

Сурия Мудофаа вазирлиги маълумотларига кўра, самолёт учувчиси ҳамон топилмаган. Таъкидланишича, коалициянинг самолётни уриб тушириши унинг ўз ҳаракатларини ИШИД билан мувофиқлаштиришини тасдиқлайди.

АҚШ бошчилигидаги халқаро коалиция штаби Табқа шаҳридан жанубда Сурия самолётини уриб туширганини тасдиқлаган. Коалицияда таъкидланишича, Сурия самолёти мухолифат қўшинлари устига бомба ташлаган.

*Шимолий Корея*

### Дипломатик иғво можарога айланиши мумкин

Шимолий Корея Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди аэропортида 16 июнда юз берган воқеа учун АҚШдан расмий тушунтириш беришни талаб қилди.



Шимолий Корея Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг 18 июнда чоп этган баёнотига кўра, ўша куни АҚШ идоралари Шимолий Кореяга қайтаётган делегациядан дипломатик почта бор бўлган пакетни тортиб олган. Шимолий Корея делегацияси Ногиронлар ҳуқуқлари конвенциясига аъзо давлатларнинг анжуманида иштирок этганди.

Дипломатнинг таъкидлашича, шу тариқа АҚШ идоралари ноқонуний ва даҳшатли иғвони амалга оширганлар. Шимолий кореяликнинг маълумотларига кўра, дипломатик курйер сертификатига эга бўлган Шимолий Корея делегацияси аъзоларидан ҳужжатлар тортиб олинаётганда, улар қаршилик кўрсатишган. Шу сабабли, 20 нафар полициячи ва АҚШ ички хавфсизлиги департаменти ходимларидан иборат гуруҳ шимолий кореяликларга нисбатан куч ишлатган.

*Эрон*

### Жангарилар базасига зарбалар

- "Эрон ҳарбийлари Сурия шарқидаги террорчилар базаларига ракеталар билан зарба берди. Зарбага учраган жангарилар Теҳронда содир этилган террорчилик амалиётига алоқадор бўлганлар", - деб хабар берди "Tasnim" ахборот агентлиги.

Ахборот агентлиги маълумотларига кўра, зарба Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси ҳарбийлари томонидан Дайр-аз-Зор шаҳрида террорчилар тўпланган жойга берилган.

*Қувайт*

### Ўлим жазоси бекор қилинди

Қувайт кассацион суди 2016 йил Эрон фойдасига жосуслик қилганликда айбдор, деб топилган фуқарога нисбатан чиқарилган ўлим жазосини бекор қилди. - "Ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди", - деб хабар берди KUNA миллий ахборот агентлиги.



Номи маълум қилинмаган судланувчи 2016 йилда Эрон ва "Ҳизбуллоҳ" шиалар ҳаракати фойдасига жосуслик қилганликда ҳамда мамлакат хавфсизлигига хатар солувчи ҳаракатларни тайёрлашда айбдор, деб топилган "Ал-Абдали" бўлимига кирган.

Ахборот агентлигининг таъкидлашича, бу иш бўйича судланган яна бир айбланувчига умрбод қамоқ жазоси 15 йилгача қисқартирилган. Бироқ аввал оқланган 15 киши кассацион суд қарори билан 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

## Қўшни давлатларда

*Ўзбекистон*

### Қозоғистон билан битим тасдиқланди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва Қозоғистон Ҳукуматлари ўртасидаги халқаро автомобил қатнови тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги баённомани тасдиқлади.



Эслатиб ўтамиз, ҳужжат Ўзбекистон раҳбарининг Остонага 2017 йилнинг 23 март куни амалга оширилган давлат ташрифи давомида имзоланган.

Президент қарорида қайд этилишича, келишув Қозоғистон билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш, шунингдек, бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликларни кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган.

Мирзиёев ТИВга Ўзбекистон Республикаси томонидан кўрсатилган халқаро битим кучга кириш учун Қозоғистонга лозим бўлган ички давлат жараёнлари бажарилгани ҳақида билдиришнома юбориш вазифасини топширди.

*Туркманистон*

### Қадр кечаси муносабати билан афв

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов "Муқаддас Қадр кечаси муносабати билан судланган шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Шу муносабат билан 1029 нафар туркманистонлик маҳбус жазони ижро этишдан озод этилади.



Туркманистон Давлат ахборот агентлигининг қайд этишича, ҳужжат раҳмдиллик ва инсонийлик нуқтаи назаридан, туркман жамияти ва ҳар бир оилада бирлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш мақсадида имзоланган.

Давлат раҳбари фармонни имзолар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларига афв этилганларни яқин муддатда уйларига қайтишни таъминлаш вазифасини юклаган.

Президент Гурбангули Бердимуҳаммедов вилоятлар, атроп (ноҳия)лар, шаҳарлар ҳокимлари ва бошқа раҳбарларга амнистия қилинган шахсларни, ўзларининг виждонан меҳнат қилишлари билан ўз айбларини ювиш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишлари учун ишга жойлаштириш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берган.

*Қирғизистон*

### Атамбоев Россияга борди

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев давлат раҳбари лавозимидаги муддати якунига етаётган бир пайтда, Россияга давлат ташрифи билан борди. У ерда олий даражадаги учрашув ва музокаралар ташкил этилди.



Хабар қилинишича, ташриф икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигига бағишланган бўлиб, Россия етакчиси Владимир Путиннинг таклифига биноан амалга оширилган.

Атамбоев Россия Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведев билан учрашди.

## Қисқа сатрларда

Бирлашган Араб Амирликларида ҳаво ҳарорати +51 °С даражага етди.



"Gulf News" хабарига кўра, Абу-Даби амирлигидаги Лива водийсида +50,5 °С даража иссиқ ҳарорат қайд этилган.

2016 йилнинг июлида ОАВда Қувайт ҳудудида тарихдаги энг иссиқ ҳарорат қайд этилганди, ўшанда бу ерда +54 °С даража иссиқ кузатилганди.

***

Ироқ армияси Мосулнинг Эски шаҳар қисмини ИШИД жангариларидан тозалаш учун юриш бошлади. Бу ҳақда ҳарбийлар баёнотига асосланган ҳолда AFP агентлиги хабар тарқатган. Қайд этилишича, ушбу ҳудуд ИШИДнинг Ироқдаги энг асосий нуқтаси ҳисобланади.

***

Португалиянинг Лейрия округида бошланган ёнғин туфайли ҳалок бўлганлар сони 39 нафарга етди. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Антониу Кошта маълумот берган.

***

АҚШнинг NASA коинот агентлиги мутахассислари келажакда Марсга юборилиши режалаштирилаётган "Валкирия" номли робот-гуманоид имкониятларини намойиш қилишди. Роботнинг синовдан ўтказилиши видеоси уни бошқариш алгоритмини яратган "IHMC Robotics" институтининг "YouTube" каналида жойлаштирилди.

***



Колумбия пойтахти Боготадаги савдо марказида юз берган портлаш оқибатида, дастлабки маълумотларга кўра, камида уч киши ҳалок бўлди, 11 киши яраланди. Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар берди.

***

- "Саудия Арабистони соҳилбўйи қўриқлаш хизмати Форс кўрфазида Эрон қайиқларига ўт очди. Бунинг оқибатида бир киши ҳалок бўлди", - деб хабар тарқатди "Press TV" телеканали.



***

Британиялик археологлар жамоаси Эфиопиянинг шарқий қисмида эрамиздан аввалги X асрда бунёд этилган Харла шаҳри қолдиқларини аниқлашди. Шаҳар ичида XII асрда қурилган масжид бўлган. Археологларнинг тасдиқлашича, қачонлардир Харла баҳайбат инсонлар шаҳри ҳисобланган.

***

Туркия армияси ва хавфсизлик кучлари сўнгги тўққиз ой давомида 1068 нафар террорчини зарарсизлантирди. Террорчилик фаолиятига алоқадор бўлган 368 шахс ушланди, яна 289 киши кўнгилли равишда қуролни топширган. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Бинали Йилдирим Диёрбакир вилоятида маълум қилди.

***

Ливия соҳилни қўриқлаш хизмати Ўртаер денгизида Африка ва Осиёдан бўлган 900 нафардан ортиқ муҳожирни қутқариб қолди. Бу ҳақда "Франс Пресс" агентлиги Ливия ҳарбий-денгиз кучлари вакилига асосланиб хабар берган.

***

Хитойнинг Шандун провинциясида ит ўз боласидан ташқари, ташлаб кетилган тўрт йўлбарсчага энагалик қилмоқда. Бу ҳақда "People.cn" сайтида хабар берилди.



**Яман**

### Вабо ҳамон хуруж этмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) хабарига кўра, Яманда вабо эпидемияси натижасида ҳалок бўлганлар сони 1054 нафарга етган.



ЖССТ маълумотларида таъкидланишича, жорий йилнинг 27 апрелидан ҳозирга қадар вабо эпидемияси Яманнинг 23 провинциясидан 20тасида тарқалган. Мамлакатда вабо билан касалланганлар сони 151 мингдан ошгани қайд этилган.

Яман аҳолиси мамлакатда тоза ичимлик сувининг етишмовчилиги натижасида авж олаётган вабо эпидемияси билан кураш олиб бормоқда.

Яманда 2014 йилдан буён ҳарбий можаролар давом этиб келмоқда, унда бир томондан «Ансоруллоҳ» шиа ҳаракати исёнчилари ва Яман Президенти лавозимидан маҳрум бўлган Али Абдуллоҳ Салим тарафдорлари, бошқа томондан эса, Президент Абдураббу Мансур Ҳадийнинг содиқ тарафдорлари бўлган Ҳукумат қўшинлари иштирок этмоқда.

**Россия**

### Таваккалчи жазоланди

Полиция Москвадаги «Москва-сити» бизнес марказидаги осмонўпар бинолардан бирига чиққан эркакни қўлга олди. Бу ҳақда Москва шаҳри ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизматидан иқтибос келтирган ҳолда «Новости» ахборот агентлиги хабар берди.

Таъкидланишича, полиция ходимлари қўриқланувчи объект тартибини бузиб, ушбу бинога кўтарилган қоидабузарни ҳудудий ички ишлар бошқармасига етказишган.



Полициянинг маълум қилишича, эркакка нисбатан маъмурий қоидабузарлик кодексининг «қўриқланувчи объектга киришга рухсат тартибини бузиш» моддаси бўйича маъмурий баённома тузилган. Бу қоидабузарлик учун кўзда тутилган максимал санкция 5 минг рубл миқдорида жарима солиш ва маъмурий қоидабузарликни амалга оширишда қўлланган ускунани мусодара қилишдан иборат.

**Франция**

### Энг катта самолётнинг янги версияси

«Airbus» компанияси дунёдаги энг катта йўловчи самолётининг янгиланган версиясини намойиш этди. Бу ҳақда ишлаб чиқарувчининг сайтида маълум қилинди.

Таъкидланишича, «Airbus A380plus»ни ишлаб чиқиш 13 фоизга арзонга тушади. Самолётнинг қанотлари конструкциясига ўзгаришлар киритилди, бу ҳаво кемасининг аэродинамикасини яхшилаш ва 4 фоизгача ёнилғини тежаш имконини беради.



Шу билан бирга, самолёт салони ҳам қайта ишланди, натижада энди унда қўшимча 80 нафар йўловчи жойлашиши мумкин.

«Airbus A380» – илк тўлиқ икки палубали йўловчи самолёти бўлиб, дунёдаги энг йирик авиалайнер ҳисобланади.

**Сирли олам**

## НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

**Англия**

### Афсонавий бастакор муборак ёшда

Британиялик бастакор, қўшиқчи, мултиинструменталчи, собиқ битлзчи ва дунёнинг энг бадавлат мусиқачиси Пол Маккартни ўз юбилейини нишонламоқда - у бугун 75 ёшни қаршилади. ТАСС шу ҳақдаги мақоласини тақдим этди.



Бу қутлуғ сана муносабати билан Британия қироличаси Елизавета II сэр Полни Фахрий кавалер ордени билан мукофотлашга қарор қилди. Бу нуфузли мукофотга сайёрамизда яшовчи 65 кишигина муваффақ бўлган.

Маккартни Британиянинг афсонавий рок гуруҳи машҳур «The Beatles»нинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Мусиқачи бир неча бор «Грэмми» мукофоти совриндори бўлган, шунингдек, у Британия империяси ордени кавалери ҳисобланади.

2011 йилда «Rolling Stone» журнали сўровномасига кўра, Пол Маккартни барча даврларнинг энг яхши бас-гитарачиларидан бири, деган ном билан эътироф этилди. Собиқ битлзчи бир неча марта Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олган – «энг муваффақиятли ижод қилган мусиқачи» ва «янги тарих бастакори» кабилар шулар жумласидандир.

Пол Маккартни оилали, беш фарзанд - Стелла, Жеймс Луис, Беатрис Милли, Мэри ва Хэзер Маккартниларнинг отаси.

**Коста-Рика**

### Президент арини еб қўйди

Коста-Рика Президенти Луис Гилйермо Солиснинг оғзига журналистлар билан суҳбати вақтида тасодифан ҳашорат кириб кетди. Бу ҳолат тасвирлари интернетда тарқалган.



Кадрларда кўриш мумкинки, гапириб турган Президентга жуда яқин учган ҳашорат унинг оғзига кириб кетди (бу вақтда сиёсатчи журналистлар билан мамлакат жанубидаги бетон заводи очилиши хусусида сўзлашаётганди).

Давлат раҳбари бу ноқулай вазиятдан юмор билан чиқиб кетган.

- «Мен уни еб қўйдим. Мен арини ямлаб ютиб юбордим. Бунақаси ҳар куни ҳам бўлавермайди. Ҳақиқий оқсил», - деган Коста-Рика Президенти камерага қарата кулиб ва шундан сўнг, идишдан сув ича бошлаган.

*Ҳалокат*

### Буқа тореадорни ҳалок қилди

Францияда коррида вақтида тореадор Иван Фандинйо ҳалокатли жароҳат олди ва ҳаётдан кўз юмди. Бу ҳақда «NTN24» хабар берди.

Воқеа Ланда департаментидаги Эр-сюр-л'Адур шаҳрида содир бўлди. Иван эгнидаги тореадорларнинг махсус кийимига ўралиб, ерга йиқилди - шу пайт буқа унинг ўпкасига шохлари билан зарба берди.

Фандинйо Мон-де-Марсан шифохонасида ҳаётдан кўз юмди. У 36 ёшда бўлиб, 1999 йилдан бери коррида билан шуғулланиб келган.

Ўтган йили 29 ёшли тореадор Виктор Таррио ҳам Испаниянинг шарқидаги Теруэл шаҳрида ўтказилган корридадаги иштироки чоғида ҳалок бўлганди. Буқа унга шохини санчган. Бу сўнгги 30 йил ичидаги матадор ҳалок бўлган биринчи ҳолат бўлган.

**Испания**

### Трансфер нархи маълум бўлди

«Реал» ўз ҳужумчиси Криштиану Роналдуни 400 миллион евродан камига сотмоқчи эмас. Бу ҳақда «Daily Mail» нашри «Marca» манбасига асосланиб хабар тарқатди.



Мадрид клуби бу нарх «Манчестер Юнайтед» ва «ПСЖ» томонидан қизиқишлар йўқолишига умид қилмоқда.

Шунингдек, «Реал» клуби президенти Флорентино Перес, бош директор Хосе Анхел Санчес ва Криштиану Роналду иштирокида ушбу масала юзасидан учрашув бўлади. Бу эса, Португалия терма жамоаси Конфедерациялар кубогини якунлаганидан кейин ўтказилади.

Роналду «Реал» билан шартномани 2016 йил ноябрида янгилаганди, 2021 йилгача тузилган янги шартномага кўра, футболчининг маоши миқдори ҳафтасига 400 минг фунтни ташкил қилади. Шартномада Роналду учун 995 миллион евро миқдорида бадал пули белгиланганди.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

## БАЙРАМОЛДИ СУҲБАТ

***Ҳадемай, бутун дунё мусулмонлари Рамазон ҳайитини байрам қиладилар. Бизнинг диёримизда ҳам ушбу байрам ўзгача бир эҳтиром билан кутиб олинади. Шу боис, байрамга бир совға бўлишлиги учун республика Ислом маркази Фатво бўлими етакчи мутахассиси, Имом Абу Ҳанифа (р) номидаги Ислом олийгоҳи катта ўқитувчиси Абдулвоҳид ҲОМИДОВ билан бу борада суҳбат уюштирдик. Суҳбат мазмунини азиз муштарийларимиз эътиборига ҳавола этамиз.***

# МИНГ ТААССУФ, МОҲИ РАҲМАТ КЕТАДИР...

**- Ҳурматли домла, Рамазон рўзасини тутишлик қайси далил асосида амалга оширилади?**

- Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила. Рамазон муқаддас Ислом динининг учинчи рукни бўлиб, у «Бақара» сурасидаги ушбу - «Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб, Қуръон туширилгандир. Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунлардан тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламайди...» ояти ила собит бўлинган. Биз мусулмонлар, шунинг учун ҳам, ушбу ойни муборак билиб, кундузлари рўза тутиб, кечалари таровиҳ ва бошқа шу каби эзгу амалларни бажарамиз. Бир сўз билан айтганда, бу ой – раҳмат, баракат ва мағфират ойи.

Ва бу ой муносабати билан ҳар йили элимизга Давлатимиз бошлиғи, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари ҳамда республика Ислом маркази раиси, муфтий ҳазрат Саидмукаррам Абдулқодирзода табрик йўллашлари одат тусига кирган бўлиб, нур устига аъло нур бўлмоқда. Зеро, рўза тутишлик саломатликка зарар, дин афюндир, деган замонлар ҳам бўлганди. Шукр, алҳамдулиллоҳ, бугун эса, мамлакат истиқлолияти шарофати ила ободу озод юртимизда дину диёнат эркин бўлиб, мусулмонлар ўз хатти-ҳаракатларидан-да эркиндирлар.

**- Кейинги пайтларда жамиятимизда пайдо бўлган номатлуб фирқалар вакиллари томонидан таровиҳ намозининг 20 ракат эканлигини инкор этиш кайфиятлари сезилмоқда. Баъзилар эса: - «Таровиҳ йўқ нарса, уни муллалар пул ишлаш учун ўйлаб топган», - деган ўта ножўя фикрни айтишмоқда...**



- Астағфируллоҳ. Таровиҳ намозининг ҳукми шуки, у таъкидланган суннат (суннати муаккада). Рамазон ойи кечаларида ўн салом билан 20 ракаатдан ўқишликка келишилган. Узрсиз тарк этилса гуноҳдир. Таровиҳ намозини Рамазон ойида хуфтон намозидан сўнг, ўқиш аҳли суннат валжамоатнинг тўрт мазҳаби бўйича суннати муаккададир. Унинг суннат эканлигига далил учта: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жамоат бўлиб ўқиганларни олқишлаганлар, ўзлари таровиҳни жамоат бўлиб ўқиганлар, таровиҳнинг фазилатини баён қилганлар. Абу Ҳурайра розиаллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон қиёмига одамларни тарғиб қилар эдилар. Ул зоти шариф: -“Кимки Рамазонда имон ва ихлос ила (таровиҳга) қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират этилади”, - дер эдилар.

Мазҳабимиз бошлиғи Имоми Аъзам роҳматуллоҳи алайҳ ҳам: - «Таровиҳ суннати муаккададир. Ва уни ҳазрати Умар (р) 20 ракаат этиб, ҳеч қандай бидъат ҳам ижод қилган эмаслар. Худонинг Расули (с.а.в.) аҳдларида кўргани асосида жорий қилган»,- дейдилар.

Минг йиллардан буён мусулмонлар ушбу савобли ибодатни ҳеч қандай гапсўзсиз савоб умидида бажариб келмоқдалар. Шундай экан, барчанинг қараши бир бўлган масалада ихтилоф қилмаслик лозим. Ҳар қандай тафриқа ва ихтилоф жамиятга зарар келтириши бор гап. Шу боис, шаръий масалаларни шу соҳа олимлари-ю, донишмандларидан сўраб билган афзал.

**- Ушбу улуғ ойда Қадр кечаси, дея номланган қутлуғ кеча ҳақида нима дейсиз ва у қайси даҳа (ўн кунлик)да?**

- Қадр кечасининг Рамазон ойи кечаларига беркитилганлиги бу - аниқ. Бироқ Пайғамбаримизнинг Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кунининг тоқ кечаларидан излашлик ҳақида тавсиялари ҳам бор. Аммо барча мўмин ва мусулмонларда одат бўлганки, Қадр кечасини Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасидан излашади. Чунки «Лайлатул қадр» калимасининг «Қадр» сурасида уч марта келиб, тўққиз ҳарфдан иборат бўлиши, тўққизни учга кўпайтирсак, йигирма етти келиб чиқиши бунга далил ўлароқ қаралади. Демак, Рамазон ойининг 26дан 27га ўтар кечасини Қадр кечаси билиб, бу кечани ибодатлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бешта машҳур муҳаддис уламолар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз: - «Ким Лайлатул Қадрни имон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур»,- деб марҳамат қилганлар. Демак, Қадр кечасини имон ва ихлос, яъни фақат Аллоҳдан савоб умидида ўтказган мўмин ва мусулмон бандага яна бир олий мукофот бу унинг гуноҳларининг афв бўлишлиги экан. Кечада қоим бўлишликни баъзи олимлар хуфтон намозини жамоат билан ўқиб, кечанинг қолган қисмида нафл намозлар адо этиб, қилинган гуноҳларга тавба ва истиғфорлар айтиб, тиловати Қуръон, зикр ва тасбеҳлар айтиб, эрталаб бомдод намозини ҳам жамоат билан ўқишликдир, дея баён этадилар... Ҳазрати Оиша онамиз Пайғамбаримиздан сўрадилар: - «Агар мен Қадр кечасида бўлсам, не деб дуо қилайин?» Пайғамбаримиз: - «Парвардигоро, Сен карамли, кечирувчи Зотсан, кечиришни яхши кўрасан, бас мени кечиргил», - деб дуо қилишни ўргатдилар (Имом Термизий ривояти).

**- Қадрли устоз, муборак ой тугаши муносабати билан бутун дунё мусулмонлари ийд-ҳайит қилишади. Ушбу байрам айёмининг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари, одоби борми?**

- Албатта. Аслида муқаддас динимиз, севимли Пайғамбаримиз равишу рафторлари, динимиз дастурлари бошдан-оёқ одобдир. Ушбу улуғ байрамда ҳам барча ибодатларимизда биз учун энг гўзал намуна бўлган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олганимиздек, ул зот қилганларидек қилишга ҳаракат қилайлик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ийд куни эрталаб ғусл қилар эдилар. Сўнгра чиройли кийимларини кияр ва хушбўйланар эдилар. Намозгоҳга чиқишларидан аввал бир нечта хурмони тоқ этиб ердилар. Агар хурмо топилмаса, бирор ширинлик еса ҳам бўлаверади.

Намозгоҳга пиёда юриб, бир йўлдан борсалар, бошқасидан қайтиб келардилар. Ҳайитдан олдинги куни қуёш ботишидан бошлаб то ҳайит намози ўқигунларича такбир айтар эдилар.

Намозгоҳга боришда ҳамда келишда шошмасдан, виқор билан бировларга озор бермасдан юрилади. Ҳаром нарсаларга қарашдан кўзни сақлаб, масжидга эртароқ бориб, аввалги сафларда намоз ўқишга ҳаракат қилинади. Бу кунда ота-она, қариндош-уруғ ва ёр-биродарларни зиёрат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳайит яхши, албатта. Бироқ Рамазон ҳайити қутлуғ ва муборак ой тугаши, бизни тарк этиши эвазига келади. Шоир айтмоқчи, «Минг таассуф моҳи раҳмат кетадир...»

**- Баъзилар Рамазон ойи тугагач, Шаввол ойидан олти кун рўза тутадилар. Шу ҳақда маълумот берсангиз...**

- Ҳайитни чиройли қилиб, шод-хуррамлик билан ўтказиб олингач, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: -«Кимки Рамазон рўзасига Шавволдан олти кунни эргаштириб рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади», деган сўзларига биноан, Шаввол ойидан олти кун рўза тутилса яхши бўлади. Бу рўза ҳайитнинг иккинчи кунидан бошлаб тутилади. Зеро, ҳайитнинг биринчи куни рўза тутиш ҳаромдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳар икки ҳайитнинг биринчи кунларида рўза тутишдан қайтарганлар. Бу олти кунни Шавволнинг кейинги кунларида тутилса ҳам бўлади. Уни тутишда кетма-кетлик шарт эмас. Рамазон рўзасидан қарзи бор кишилар, аввало, қарзларини тутиб, кейин Шаввол рўзасини тутганлари яхши. Аммо қазоларини тутишлари сабабли, Шаввол ойининг тугаб қолиш эҳтимоли бўлса, қазоларини кечиктириб, Шавволнинг олти кунини тутишлари афзал. Чунки Шаввол рўзаси фақат Шавволда тутилади, уни қазо қилиб бўлмайди. Зотан, Рамазоннинг қазосини келгуси Рамазонгача тутиб берилса, бўлаверади.

**- Байрам арафасидаги тилакларингиз.**

- Парвардигоримиздан бу улуғ айёмларни келгуси йилларда ҳам баракотлари билан бизга қайтаришини, ҳаммаларимизни келгуси Рамазонга соғ-саломат, мустаҳкам имон ила етказишини илтижо-ла сўраймиз. Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!

*Абдулло САИД суҳбатлашди.*




# РАМАЗОН - НУР ВА ГЎЗАЛЛИК ОЙИ

Рамазон - яхшилик ва поклик ойи. Рамазон - гўзал хотиралар ойи. Бунда минг ойданда яхши Қадр кечаси мавжуд. Рамазон инсон қалбини чексиз нурга тўлдиради. Агар ҳаёт яшаш билан курашдан иборат бўлса, бу ой тирикликнинг сирини англаш ойидир. Бутун умр жисми учун бўлса, бу инсон руҳига озиқа беради. Дунёдаги барча курашлар ва адоватлар бир томон бўлса, бу ой дўстлик ва муҳаббат ойидир...

Рўза буюк ахлоқ мактабидир. Ундан мўминлар кўп хислатларни олишади. Рўза нафс балосига қарши жиҳоддир. Бу ойда инсон ўзи учун тақиқланган нарсаларга сабр қилишни ўрганади. Шу орқали ҳаётда дуч келадиган машаққатларга чидаш малакасини ҳам ҳосил қилади.

Халқимиз Ислом динига мушарраф бўлган кундан бошлаб, бу ойни муқаддас билиб, рўза ҳайити ва қурбон ҳайити байрамларини ўзгача бир кўтаринкилик билан нишонлаб келади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихига боғлиқ барча анъаналар, маданий-маърифий урф-одатлар ва баъзи унутилаётган қадриятларимиз қаторида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон 2008 йил 18 июндаги фармони билан Рўза ва Қурбон ҳайитлари кунларини ҳар йили белгиланган кунда миллий байрам сифатида қайд қилишни жорий этди. Муҳтарам Президентимизнинг инсонпарварона ташаббуслари туфайли, юртимизда нишонланаётган барча байрамларда, жумладан, Рўза ҳайити кунлари ҳам камтаъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, кексалар, беморларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнглини кўтариш, шунингдек, бу байрамнинг ўзига хос томони бўлмиш болаларга, етимхоналару қариялар уйларига ҳайитлик совғалари улашиши анъана тусига кириб бўлган.

Ҳаётимизда байрамлар турличадир, ҳар бир байрамнинг ўз ўрни бўлиб, Рўза ҳайити байрамига халқимиз алоҳида тайёргарлик кўради, жумладан, байрам кунига атаб бош-оёқ янги кийимлар олишади, турли хил ширинликлар ва миллий таомлар тайёрланади. Айниқса, бу болажонлар байрамидир. Эрта тонгдан янги либосларни кийиб, қўл ушлашиб болакайлар маҳаллаларни айланади. Ҳар бир хонадонга кирганда:-"Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, бешигингиз ўғилли бўлсин", - дея эзгулик, яхшилик тилашади. Бундай маросимнинг амали киши қалбидаги ҳақиқий эътиқоднинг акс садоси, десак муболаға бўлмайди. Уларга ҳадя қилинган совғаларимиз йил давомида бу кунни эслаб юриш ва келгусида янада орзиқиб кутиш, байрамнинг буюклигини ҳис эта олиш уларнинг онгида миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиромни кучайтиради. Бу туйғу фарзандларимизни Ватанга, миллатга садоқатли инсонлар бўлиб, тарбия топишида муҳим аҳамият касб этади.

Буюк исломшунос олим Муҳаммад Ҳузарий ўзининг "Нур ул Яқин" ҳужжатли романида муборак Рамазон ойи ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: - "Рўза Ислом динининг асосларидан бири бўлиб, у инсон табиати ва шахсиятини камолга етказадиган амалдир. Инсон табиати баробарида ижтимоий тузум ҳам ўзгариши табиий бир ҳол. Маълумки, инсон, аввало, ўз ҳузур-ҳаловатини, шахсий манфаатини кўзлайди, ожизу нотавонлар учун саратонда қўлини совуқ сувга урмайди. Аллоҳнинг рўзани фарз қилишининг ҳикмати шундаки, инсон очлик туфайли ноз-неъматлар, сувнинг қадрини ҳис этади ва шу аснода қалби юмшаб, эҳсонлар беришга одатланади. Худо йўлида эҳсон бериш инсонни жуда кўп офату кулфатлардан асраб қолади".

Олимнинг фикрича, рўза ойининг жорий қилиниши билан ночор ва камбағалларга фитр садақасини беришни вожиб қилади. Шунингдек, Рамазон ойи якунидаги рўза байрамининг ҳам мазмун моҳияти хайру эҳсонларни кўпайтириш, яъни ҳайитлик совғалари бериш лозимлиги билан фақирларга озми-кўпми ёрдамлашишдан иборат дейди.

Демак, муборак Рамазон ойи ҳар бир эътиқодли инсоннинг ўзидан олдинги яқин кишилари, ўтган қариндошларининг пок руҳлари номидан етиму камбағалларга ёрдам беришлари зарурлигини уқтиради. Бу мол-дунёси ўз эҳтиёжига бемалол етиб ортадиган киши оиласидаги ҳар бир жон учун камбағалларга бериш лозим бўлган садақадир. -"Одамлар фитр садақасини оғринмай, чин кўнгилдан беришлари керак", -дейди Ислом дунёсининг буюк олими Имом ал Бухорий ҳазратлари.



*Ҳайтали БОЕВ, "Халқ овози".*

√ **Меҳрибонлик уйларидан** ============

# ФАРЗАНД МЕҲРИ



Суғд вилояти Хўжанд шаҳридаги кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш минтақавий марказида 53 нафар қарияга доимий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Шулардан 20 нафари эркак, 33 нафари аёл бўлиб, уларга барча яшаш шароитлари яратилган.

Бир пайтлар Қариялар уйи номи билан аталган ушбу марказ бундан 81 йил муқаддам, аниқроғи 1936 йилнинг 9 августида собиқ Ленинобод шаҳар ижроия органининг 78-рақамли протоколи асосида ташкил этилган бўлиб, ҳанузгача бошпанасиз ва қаровчисиз қолган қарияларга хизмат кўрсатиб келади.

Марказ Суғд вилояти бюджети асосида фаолият олиб боради.

Бу ерда доимий истиқомат қилувчи қариялар саломатлиги, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш марказ



раҳбариятининг биринчи галдаги вазифасидир. Уларнинг саломатликларини барқарор сақлаш ниятида спорт ҳужралари ташкил этилган бўлиб, унда қариялар ўзларига хос спорт машқларини бажаришлари мумкин.

Иш билан шуғулланиш имконига эга кексалар эса, марказ теварак-атрофларига гуллар, мевали ва сояли дарахтлар экиш билан ҳам ўзлари ва ҳам бошқа кишиларга манфаат етказмоқдалар.

Марказ биноси ичкарисида эса, «Тирик бурчак» ташкил этилган бўлиб, бу ерда яшовчилар томонидан сайроқи қушлар парвариш қилинади. Зеро, қушлар сайраши айни пайтда шифо ҳамдир.

Бундан ташқари, марказнинг ўз кутубхонаси мавжуд бўлиб, унда 2924 нусха турли соҳага оид китоблар сақланади. Шунингдек, ушбу кутубхона вилоятнинг Тошхўжа Асирий номли кутубхонаси билан ҳамкорликда бўлиб, ўзаро китоб айирбошлашни ҳам йўлга қўйган.

Дарвоқе, Суғд вилояти раисининг 2009 йил 27 февралидаги 5-қарори асосида Тожикистон Республикаси Миллий банкининг Хўжанддаги филиали ва «Жавоний» масъулияти чекланган жамияти муассислари комитети томонидан марказ истиқоматчилари мунтазам қўллаб-қувватланиб келинади.

Сўзида давом этган директор марказда Рамазон ҳайити ва Миллий бирлик байрами муносабати билан доимий ҳомийлар - Тожикистон Миллий банкининг Хўжанддаги филиали ва «Жавоний» масъулияти чекланган жамияти қўллаб-қувватлаши ҳамда санъат коллежи талабалари иштирокида қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилганини айтди.

Қувончлиси шундаки, ҳар байрам арафасида маҳаллий ҳукумат ҳамда алоҳида саховатли кишилар томонидан ҳам меҳрибонлик акциялари амалга ошириб турилади. Айрим саховатпеша кишилар эса, баъзи қарияларни отахонлик ёки онахонликка қабул қилишган бўлиб, доимий равишда улар аҳволидан хабар олиб туришади. Шулардан бири Бобожон Ғафуров ноҳиясида яшовчи Абдуқодир Абдураҳимов бўлиб, у ушбу марказда ҳеч кими йўқ қарияни онахонликка олиб, унга ўз туққан онасидай меҳрибонлик кўрсатиб, самимий муомалада бўлиб келмоқда.

- Ушбу она-ўғил ўртасидаги самимий муносабатни кўриб, ҳайратим янада ошди, - дейди мазкур марказ директори Абдуазиз Зуҳуров, - чунки, Абдуқодир таниқли тадбиркор ҳам, катта пул эгаси ҳам эмас. Фақат, унинг улкан қалб эгаси эканлиги маълум бўлди. Демак, меҳрибонлик қилиш, эзгу амалга қўл уриш учун кишининг бой бўлиши шарт эмас экан, фақат кишида озгина жўмардлик бўлса бас...

Дарвоқе, Суғд вилояти Хўжанд шаҳридаги қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш минтақавий маркази директори Абдуазиз Зуҳуров бошлиқ коллектив ҳам бу ерда яшовчиларга ота-оналари каби муомалада бўлишиб, уларга бекаму кўст хизмат кўрсатишга, уларнинг дуойи хайр – олқишларига сазовор бўлишга астойдил енг шимарганлари рост.

*Собир ҳожи АБДУРАҲИМОВ, Хўжанд шаҳри.*




**Эзгу тилакларга қоришган байрам дуоси**

*Улуғ ой янгиликлари*

## ПОЛ ПОГБА УМРА ҚИЛДИ

Буюк Британиядаги машҳур «Манчестер Юнайтед» клубининг франциялик ярим ҳимоячиси, дунёда энг кўп маош оладиган футболчи Пол Погба бу йилги Рамазон кунларида Умра сафарини амалга оширди.

Погба Рамазони шарифни Маккаи Мукаррамада кутиб олиш ва Умра ҳажини адо этиш учун Саудия Арабистонига борди. У эҳромда тушган суратларини «Instagram» саҳифасига жойлаштириб, уларнинг тагига:-«Мен умримда кўрган энг гўзал манзара»,-деб ёзиб қўйган.

Пол Погба Франция миллий термаси ҳамда «Манчестер Юнайтед» жамоасида ўйнайди. 2016 йилнинг август ойида унинг «Ювентус»дан «Манчестер Юнайтед»га ўтиши 105 миллион еврога баҳоланган бўлиб, Погба тарихда энг қимматбаҳо футболчи, деб эътироф этилган эди.

## ХЎЖАНДЛИК ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Бу йилги Рамазон ойида хўжандлик баъзи тадбиркорлар эзгу амалларга қўл уришди. Жумладан, «Амид» савдо нуқталарида бепул нон тарқатиш йўлга қўйилди.

«Sputnik» ахборот агентлиги тарқатган хабарга



кўра, «Амид» савдо нуқталарида махсус нон расталари очилиб, ундан эҳтиёжмандлар истаганларича нон маҳсулотларини бепул олиб кетишлари мумкин. Ушбу маълумотга ишонмаганлар учун эса, алоҳида «нони бепул» («текин нон») дея ёзилган тахтача осиб қўйилган.

## ШОМ АҲЛИГА ТУҲФА

**Туркиянинг давлат ва ижтимоий-хайрия ташкилотлари Рамазон ойида Сурия аҳолисига моддий ёрдам кўрсатган.**

**Туркиядаги энг йирик хайрия ташкилотларидан бири бўлмиш IHH матбуот котиби Салим Тосуннинг айтишича, бу йилги Рамазон ойида миллион нафар сурияликларга озиқ-овқат ҳамда бошқа турдаги инсонпарварлик ёрдами юбориш кўзда тутилган бўлиб, бу хайрли амал навбатма-навбат амалга оширилмоқда.**

**Озиқ-овқат ҳамда кундалик зарурат моллари Суриянинг қамалда қолиб кетган минтақаларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, Суриянинг турли шаҳарларида ифторликлар ўтказилаётир.**

**Туркия давлати томонидан муҳтож сурияликлар учун ҳар куни 10 минг кишилик ифторлик тайёрлаб берадиган кўчма ресторан ташкил қилинган.**

*Абулазиз СУЮНОВ тайёрлади.*

*Саҳифа масъули Абдулло САИДОВ.*

## Сўраган эдингиз...



**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## *ҲАЙИТ ҚИЛИШ ТАҚИҚЛАНМАГАН*

***САВОЛ:*** - Айрим ижтимоий тармоқларда Тожикистонда Рўза ҳайитини қайд қилишда болаларнинг ҳайитлашлари ва дастурхон тузаш тақиқланган, деган овозалар тарқалмоқда. Бу миш-мишлар қанчалик асосли?

*Газета муштарийсидан келган SMS савол, Душанбе шаҳри.*

***ЖАВОБ:*** - Дарҳақиқат, айрим ижтимоий тармоқларда Рамазон ҳайити пайтида болаларнинг ҳайитлаши ва тузаладиган дастурхоннинг ҳажми тўғрисида миш-мишлар тарқалмоқда. Аммо мазкур овозалар Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитети ҳамда давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи масъуллари томонидан инкор этилди.

- Комитет Рамазон ҳайити тўғрисида бирор-бир кўрсатма берган эмас, - деди Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитети матбуот котиби Афшин Муқим. – Кишилар бемалол бир-бирлариникига меҳмонга боришлари, шунингдек, болалар ҳайитлашлари мумкин. Аммо биз болаларни назоратсиз қўймасликни тавсия этамиз. Зеро, ҳайитларда болаларнинг тонг саҳар соат бешдан уйма-уй юришлари кузатилади. Бу – унчалик тўғри эмас. Бундан ташқари, исрофгарчиликка йўл қўймасликни ҳамиша таъкидлаб келганмиз.

- Бундай асоссиз овозаларни кимлар тарқатаётганликлари бизга маълум эмас, - деди Душанбе шаҳри раиси матбуот котиби Абдулмажид Ҳакимзода.

Тожикистон Уламолар кенгаши раиси Саидмукаррам Абдуқодирзода ҳам байрам қилиш учун бирор бир тақиқ йўқлигини тасдиқлади.

- Бу – катта байрам. Ҳар бир киши ўз яқинлари, атрофдагиларнинг кўнгилларига қувонч, яхшилик улашишга интилади, - деди муфтий ҳазратлари.

*«Халқ овози».*


**ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

*ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Номаи камоли гумшудаи ГТС № 0039639, ки онро МТМУ № 10-и ш. Турсунзода ба Ахмедов Абдувоҳид Қаюмович соли 2002 додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шиноснома техникии гумшуда, ки онро КФБТТ-и шаҳри Душанбе бо нишонии ш. Душанбе, кучаи Айнӣ, хонаи 6, ҳуҷраи 36 ба Матисон Юрий Ансович додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шиноснома техникии гумшуда, ки онро КФБТТ-и шаҳри Душанбе бо нишонии ш. Душанбе, н. Шоҳмансур, кучаи Мирзобек-2, хонаи 18 ба Гулова Нигина додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Утерянную зачетную книжку за № 0111/17, выданную 2016 году Таджикско-Российским славянским университетом Балибаевой Тахмине Бахтиёровне, считать недействительным.

***

Шартномаи хариду фурўши иншоот тахти №3-ДШ-98 байни Холмуродов Нуриддин ва Ҳамдамов Фарҳод,ки аз 19.08.2009с. бо суроғаи Ҷ/Д Чоргултеппа, д.Чорсу мебошад,- бо сабаби гумшуданаш аз эътибор соқит дониста шавад.

*БАРҲАМ МЕХЎРАНД*

Кооперативи тиҷоратии "Шарипов Тоҷиддин", ки бо РЯМ 3310007113 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ҷ.Балхӣ 27.04.2016с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Кооперативи тиҷоратии "Отаҷон", ки бо РЯМ 3310004977 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ҷ.Балхӣ 12.11.2015с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур муроҷиат намуданатон лозим аст.*
*Тел: 2-38-55-70*

*«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим.*
*Тел: 2-38-55-70*


**Бурч туйғуси ҳамда пушаймонлик билан боғлиқ виждон изтироби одам билан махлуқ ўртасидаги муҳим тафовутдир.**

*Чарлз ДАРВИН.*

Махсус мақола

# АВВАЛ КАССАГА, КЕЙИН ҚИССАГА...

Бу дунё бозорга менгзайди…

Бунда ҳар бир нарсанинг, кўрсатиладиган хизматнинг ўз нарху навоси бор. Қийматнинг эса, кўрадиган кўзи, сийлайдиган қўли, бағишлайдиган меҳр-оқибати, эшитадиган қулоғи, раҳм-шафқатга тўла қалби, қийналадиган виждони йўқ.

Барчага бир хил…

Ёзмоқни ният қилиб, қиймат мавзусига «ёпишганимиз»нинг ҳам важ-карсони бор.

Рости гап, кейинги йилларда шаҳар шароитида кичик фарзандни биринчи синфга «жойлаш» машаққати каттасини олий ўқув юртига киритиш азобидан «улуғ» бўлса борки, кам эмас.

Моддий томонини ҳам чакана, деб бўлмайди. Биргина тиббий кўрикдан ўтишни олайлик. Бу жараён нақд 76 сомонийга тушади.

Буни Турсунзода шаҳар марказий поликлиникаси мисолида таҳлил қилайлик.

Болани тиббий кўрикдан ўтказиш учун кассага 66 сомоний топширишни талаб қилишади. Бунча миқдор маблағни қабул қилишгач, 65 сомонийга чек беришади.

Сўнгра Маҳфуза Қосимова исмли опанинг «муборак» имзолари ва «нодир» муҳрлари учун 10 сомоний тўланади. Чек ёки квитанция берилмайди.

Наҳотки, бир гўдакнинг тиббиёт кўригидан ўтиши 76 сомонийга турса!?. Устига устак бирор мутахассис дўхтир назоратидан ўтмай, фақат имзо қўйиш, муҳр босиш жараёнидан иборат, холос.

Эҳтимол, боланинг бош мияси, юраги, кўзи ёхуд бошқа мучаси муолажага эҳтиёж сезар, шунга муҳтождир?..

Масъулият қани!?. Касбий бурчга инсоф ила виждонан ёндошмоқ ҳиссини қаердан изламоқ керак?!.

Шифокор қалбиданми ёки чайқов бозоридан?!.

Энди 76 сомоний маблағни фақиргина ҳаёт кечирувчи камтаъминланган оила бюджетидан топиш осон деб ўйлайсизми!?.

Топилган тақдирда ҳам, бу миқдор маблағга биринчи синф ўқувчиси учун одмигина пойафзал ва оқ кўйлак олиш мумкин-ку…

Номини ошкор этмаслигимизни илтимос қилган марказий поликлиника оилавий врачларидан бири куюниб гапирди:

- Ахир камтаъминланган оилалар фарзандлари йиллаб гўшт ейиш нима эканлигини билишмайди. У бечораларнинг тиббий кўрикдан ўтишининг нархига эса, ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз. Мен баъзан ота-оналардан уялиб кетаман. Бирида, жамоанинг умумий мажлисида бу масалани кўтариб «барака» топмадим, аксинча, маломатларга қолдим…

Бир имзо ва муҳр учун белгиланган «доля»ни айтмайсизми?!.



Биз Маҳфуза Қосимованинг поликлиникадаги вазифаси билан қизиқиб, аниқ маълумот ололмадик.

Биров уни маслаҳатчи-болалар врачи деса, бошқаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигидан фармонлар олиб келиб, ўзи учун карйера ясаб юрибди, дейди.

Борди-ю маслаҳатчи бўлган тақдирда ҳам, наҳотки, гўдакнинг соғлом келажаги тақдирини ҳал қилувчи ва тасдиқловчи асосий муҳр оддий маслаҳатчининг қўлида турса?!.

Унинг эгаси бўлим мудири, нуфузли тиб комиссиясининг раиси ёки бош врач бўлмасмиди, аслида.

Масаланинг яна бир ажиб томони ҳам борки, айрим таълим муассасалари раҳбарлари Қосимова Маҳфуза Маликовнанинг "тақдир яратувчи" имзолари бўлмагани учун болани биринчи синфга қабул қилишмаяпти.

Дард устига чипқон, деганларидек, бу ҳолат ота-онага ортиқча сарсон-саргардонликдан бошқа нарса эмас.

Тиббий кўрик кўзбўямачилик бўлмаганида ҳам, бошқа гап эди.

Бир манбанинг айтишича, у марказий поликлиника бош врачи Фахрия Тоғаеванинг биринчи даражали тиб маслаҳатчиси ва «ўнг қўли» экан.

Биз суҳбатлашган манбалардан яна бири келтирган далилга кўра, муҳрчи опанинг устидан бир неча маротаба шикоят тушганлигига қарамай, на марказий поликлиника ва касалхона маъмуриятлари, на давлат ҳокимияти Турсунзода шаҳар ижроия органидаги мутасадди кураторлар томонидан у кишининг мушуги «пишт» дейилмаган…

Биз мазкур мавзуни танлаб, ёзишга чоғланганимизданоқ, камтаъминланган оилалар манфаатлари томонида туришни ният қилганмиз. Ва шу ақидада қоламиз.

Таълим муассасаларида бериладиган ўқувчилар формаси ҳам 150-200 сомоний атрофидаги маблағсиз сотилмайди. Агар фарзандингизни таълим рус тилида олиб бориладиган муассасанинг биринчи синфига қўймоқчи бўлсангиз, унинг дарсликлари ҳам 160 сомонийдан арзонга тушмайди. Бир ўқув йилига зўрға чидаш берадиган сумка нархининг бўлар жойи – 50 сомонийдан юқори. Оддий «шойи»ларининг эса, масаласи икки ҳафтада ўз жавобига чиқади.

Бундан ташқари, майдачуйда харидлар ҳалқасидан тузиладиган «харажат занжири»нинг ҳажми ҳам анча узун.

Борингки, бунча маблағ топишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун, тиббий кўрикдан ўтиш, ўқувчилар формаси тақсимлашда камтаъминланган оилалар фарзандларига имтиёзлар берилса, ёмон бўлмасди, албатта.

Зеро, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ўзининг Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Паёмида, қолаверса, ҳар бир чиқишларида камтаъминланган оилаларга мурувват ила саховат кўрсатиш, меҳру шафқат билан муомалада бўлиш тўғрисида мудом тўхталиб ўтади. Шунга ҳидоят қилади…

Чунки камтаъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам бошқа ижтимоий қатлам намояндалари зурриётлари сингари ҳаётнинг барча неъматларидан том маънода фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Кошки шундай бўлса эди...

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ,*
*«Халқ овози»нинг махсус мухбири.*

## Назм бўстони

**Ижод аҳли орасида Султон Чори тахаллуси билан танилган Нодирсултон Махатов бетакрор овози, нафис шеърияти билан ўз ўрни, мақомига эга. Султон Чори шеърлари дарё каби тўлқинланиб, кишини ҳайратга солади. Шунинг учун ҳам, унинг шеърларини қайта-қайта ўқигингиз келаверади. Шоир шеърлари кўнгилларга қуйилиб, руҳиятга олам-олам қувонч, соф туйғу, орзу бағишлай олишига шубҳа йўқ.**



**Султон Чори - сермаҳсул шоир. Кейинги йилларда битикларининг саноғи бўлмай қолди. Агар шу суръат давом этса...**

**Ҳа, кўз тегмасин.**

# ҚАЛДИРҒОЧОЙ... КЕЛ, БИТАЙИН ҚАНОТИНГГА БАЙТ...

### ТОЖИКИСТОН

*Васфингни куйлайин*
*Онажон юртим,*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон.*
*Шеъру қўшиқ тарона юртим,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Кўнгилдаги газал ўзингсан,*
*Наботу қанд, асал ўзингсан.*
*Ҳам кеча-ю бугуну эрта,*
*Умри боқий азал ўзингсан.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Дарёларинг берар дарёлик,*
*Наволаринг берар наволик.*
*Жаҳон аро сулув диёрсан,*
*Қуйган изинг йўли дунёлик.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Осмон ўпар баланд тогларинг,*
*Гул атрига макон боғларинг.*
*Далаларинг серҳосил замин,*
*Хушнуд ўтар, ўтар чоғларинг.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Қучоғингда лаълдир Бадахшон,*
*Ризққа тўла дастурхон Хатлон.*
*Кофарниҳон соҳиллари хуш,*
*Яшнар Ваҳдат бўлиб чарогон.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Душанбе шаҳр - гўё олтин жом,*
*Келган касни кўнглин этар ром.*
*Искандар кўл манзарасини,*
*Кимки кўрди бўлгайдир рассом.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*
*Қўлга олиб бугун жўр тор - соз,*
*Сенга айтдим, Она-юртим роз.*
*Айтганларим айлагин қабул,*
*Асли сендан мендаги овоз.*
*Сўзларимда ҳур Тожикистон,*
*Кўзларимга нур Тожикистон.*

### ЎЗ УМРИН

*Ҳаёт мисли оққувчи дарё,*
*Кўлга етгач, паймони тўлар.*
*Шуни билдим бу жаҳон аро,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*
*Дўст қўлида қурбон бўлар у,*
*Дўст йўлида сарсон бўлар у,*
*Ёлгонлардан ҳайрон бўлар у,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*
*У иссиқда соя берар тол,*
*У барчанинг ҳолин сўрар ҳол,*
*У очмагай умр йўлида фол,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*
*Ҳақ сўзлардан у ҳамиша маст,*
*Билмас нима баланд, нима паст.*
*Алдаб кетар уни ҳар бир кас,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*
*Унинг қалби қизлардай сулув,*
*У булоқдир адо бўлмас сув,*
*У чоҳ ичра яшаган Юсуф,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*
*Аслин айтсак, ҳар қалбда ҳавас,*
*Гарчанд ҳаёт оҳ деган нафас,*
*Енга олмас мардни асло нафс,*
*Мард ўз умрин яшамай ўлар.*

### БЎЛИБМАН

*Куйингда сулув ёр сарсон бўлибман,*
*Кўкдаги ой мисол ҳайрон бўлибман.*
*Бойланган Юсуфдек чоҳнинг ичида,*
*Эшигинг тагида зиндон бўлибман.*
*Қалбимни куйдирар ҳижронлар оҳи,*
*Булутлар кўз ёши найсон бўлибман.*
*Йўлларнинг бўйида изларинг санаб,*
*Ғарибдек эл-юртга достон бўлибман.*
*Орзулар этибди ҳушимни мадҳуш,*
*Ҳолимдан толибман, армон бўлибман.*
*Ошиқлик дегани шеър қўшиқ экан,*
*Мана мен шеъру газалхон бўлибман.*

### ИЗЛАГАЙМИЗ

*Тирикликдан бизлар сафо излагаймиз,*
*Умримизга аҳду вафо излагаймиз.*
*Ўзлигимиз тўгри билиб ҳар бир қачон,*
*Кўнгил учун байту наво излагаймиз.*
*Кўзларимиз ҳавас учун яралганми?*
*Ёнимизда Лайло, Лайло излагаймиз.*
*Билолмадик, тирикликнинг сирларини,*
*Ўзимизга ҳар дам савдо излагаймиз.*
*Қайда бўлсак, ўзимизни ҳақ биламиз,*
*Қайда бўлсак, разму низо излагаймиз.*
*Этган гуноҳ тавбалари қабул бўлмай,*
*Тавба учун тагин гуноҳ излагаймиз.*
*Яшамоқни ўзи асли бир дунёдир,*
*Дунё бўлиб тагин дунё излагаймиз.*

### ҚАЛДИРҒОЧОЙ

*Қалдиргочой,*
*қалб билмас не тин,*
*Кел, битайин қанотингга байт.*
*Учиб ёрнинг шаҳрига боргин,*
*Ул сулувга ошиқлигим айт.*
*Айтгин уни кўйида ёниб,*
*Яшагайман қўшиқлар битиб.*
*Қисматимга ҳар дам ёлвориб,*
*Байтлар ичра кетаман итиб.*
*Байтларимнинг ҳарфини маржон,*
*Қилсин, ул ёр бўйнига тақсин.*
*Бунда менда ором олсин жон,*
*Бунда мени орзулар ёқсин.*
*Хазон фасли келмай сўлибман,*
*Борай дейман, йўлим етмайди.*
*Ул дилдорга ошиқ бўлибман,*
*Қучгим келар, қўлим етмайди.*
*Қалдиргочой,*
*қалб билмагай тин,*
*Кел, битайин қанотингга байт.*
*Учиб ёрнинг шаҳрига боргин,*
*Ул сулувга ошиқлигим айт.*




**ҳалқ овози**

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

**Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА**

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: И. Маҳмадалиев.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru

Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 21 июн соат $14^{30}$
Тиражи 6066 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.